Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • № 109 (9095). • 1987 йил 10 июнь • чоршанба • Баҳоси 3 тийин.

ЎТГАН ҲАФТА ПОЧТАСИДАН

● РЕДАКЦИЯГА 1 ИЮНДАН 6 ИЮНГАЧА 232 ТА ХАТ КЕЛДИ.

● УЛАРДАН 14 ТАСИ ТАНҚИДИЙ ХАРАКТЕРГА ЭГА БЎЛИБ, 3 ТАСИ БЎЛИМЛАРГА ЭЪЛОН ҚИЛИШГА ТАЙЁРЛАШ УЧУН ЧИҚАРИЛДИ. 11 ТАСИ ТЕКШИРИШ ВА ЧОРА КЎРИШ УЧУН ТЕГИШЛИ ТАШКИЛОТЛАРГА ЮБОРИЛДИ.

ГАЗЕТХОН:

Кузатади...

КООПЕРАЦИЯ ИШГА ТУШГАЧ

Бундан бир ой муқаддам Янгибозор посёлкасидаги Коммунистик район умумий овқатланиш идорасига қарашли ошхона-чойхонада бўлаётган ҳангомалар «Тошкент ҳақиқати» газетасида танқид қилинган эди. Эсингизда бўлса, мақолада ошхонада ҳатто стол-стуллар, чойнак-пиёлалар етишмаслиги, хўрандалар навбат кутиб, асаблари бузилаётганлиги, лекин бу нуқсонлар умумий овқатланиш идораси раҳбарларини озгина бўлса ҳам ташвишга солмаётганлиги кўрсатилган эди. Яқинда хизматим тақозоси билан шу районга йўлим тушиб, шу ошхонага кириб ўтдим.

Ганнинг очиғи, бу ошхонадаги ўзгаришни кўриб қувондим: ошхонада ярақлаган стол-стуллар, чойнак-пиёла, коса ва бошқа идишлар етарли. Стул ёки чойнак кутиб, фиғони ошган хўрандаларни учратмадим. Улар тоза, озода стулларда ўтиришиб, иштаҳа билан овқатланишяпти. Чойхона ҳовлисига қурилган янги тандирдан иссиқ нон ва сомса пешма-пеш узилиб турибди. «Офарин, бу бошқа гап, ахир хўрандага мана шундай хизмат кўрсатса бўлар экан-ку!» дедим ўзимча.

Бу ўзгаришлар танқиддан кейин бўлдими ёки бошқа бир сабаб рўй бердими? Маълум бўлишича, район ижроия комитети бу ошхона-чойхонани районда янги ташкил этилган умумий овқатланиш кооперацияси ихтиёрига ўтказибди. Уй бекалари ва пенсионерлардан ташкил топган кооперативнинг 11 аъзосига кекса коммунист, собиқ савдо ходими Нуриддин ота Омонов бошчилик қиляпти. Кооператив аъзолари ўртасида юмушлар ҳар кимнинг қобилиятига яраша тақсимлаб берилган. Пенсионер Толибжон Тўраев ҳисоб-китоб ишларини юритса, уй бекалари Зуҳра Ювашова билан Мақсуда Набиевалар лагмон чўзишади. Турсунмат Омонов пиширган сомсаларни айтмасизми, хўрандаларга жуда ҳам манзур бўляпти.

— Биз кечадан бошлаб ошхонамизда шўрва, хасип ва бошқа миллий таомлар тайёрлаб сотишни ҳам йўлга қўйдик, — дейди кооперация раиси Н. Омонов. — Борди-ю, хўрандалар ўз қўллари билан таом тайёрлашни истаб қолишса, янги сўйилган гўштдан тортиб, ҳамма масаллиқни шу ердан харид қилишлари мумкин. Қўйингчи, хўрандалар ошхонамиздан ранжиб эмас, балки иштаҳа билан овқатланиб, яхши кайфият билан чиқиб кетишларига эришиш учун астойдил ҳаракат қиляпмиз.

А. НАБИХЎЖАЕВ,
Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган маданият ходими.

● ЎТГАН ҲАФТАДА РЕДАКЦИЯ ҲУЗУРИДАГИ ЖАМОАТЧИ СОВЕТ МЕҲНАТКАШЛАРИДАН 13 КИШИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ. 5 КИШИГА ҚАБУЛ ВАҚТИДА ТЕГИШЛИ ҚОНУНЛАР АСОСИДА ЖАВОБЛАР ҚАЙТАРИЛДИ. 8 КИШИНИНГ АРИЗАСИ КЎРИБ ЧИҚИШ УЧУН ОЛИБ ҚОЛИНДИ.

● РЕДАКЦИЯ ПАРТИЯ, СОВЕТ, МАЪМУРИЙ ОРГАНЛАР, ТУРЛИ КОРХОНА ВА МУАССАСАЛАРНИНГ РАҲБАРЛАРИ НОМИГА ЮБОРИЛГАН МЕҲНАТКАШЛАРНИНГ ШИКОЯТ, АРИЗА, ТАНҚИДИЙ МАҚОЛА ВА ХАБАРЛАРИДАН 12 ТАСИГА ЖАВОБ ОЛДИ. УЛАРДАН 1 ТАСИ ГАЗЕТА САҲИФАСИДА ЭЪЛОН ҚИЛИНДИ. 7 ТАСИ ЭЪЛОН ҚИЛИШ УЧУН ТАЙЁРЛАБ ҚЎЙИЛДИ. 4 ТА ЖАВОБ ЭЪТИБОРГА ОЛИНИБ, ХАТ АВТОРЛАРИГА ТЕКШИРИШ НАТИЖАЛАРИ МАЪЛУМ ҚИЛИНДИ.

...танқид қилади

БУ НОИНСОФСИЗЛИК-КУ!

БЕКОБОД районидаги Оқтом номли қишлоқда кўпгина оилалар истиқомат қилади. Уларнинг ҳаммаси қишлоқ хўжалик ишларида банд. Мен ўн бир фарзандининг онасиман. Шундай бўлишига қарамай фарзандларим тарбияси билан бир қаторда совхоз ишларида қатнашиб тураман. Ҳар йили икки қути қурт боқиб, совхозимиз пилла хирмонига ҳисса қўшаяпман.

Лекин А. Мавлонов номли совхознинг 4-бўлимига қарашли бизнинг қишлоғимиз раҳбарлар эътиборидан четда қолган. Кўчаларимиз ёзда тизза бўйи чанг бўлса, қишда лой. На яқинроқда магазин, медпункт ҳаммом бор. Бирон нарса харид қилиш учун 6—7 километр масофани пиёда кезамиз. Фарзандларимиз ҳам шу аҳволда мактабга қатнашади.

Совхоз раҳбарлари қачон инсофга келишаркин, йўлларимизни қачон тузатиб беришаркин?— деб кутиб ётибмиз. Лекин унинг охири кўринмайди. Шу муаммоларни ҳал қилишда редакциядан ёрдам сўрайман.

О. АҲМЕДОВА,
Қаҳрамон она.



● ЯНГИЙЎЛ районидаги «Ленинизм» колхозининг 5-бригадаси деҳқонлари 11 гектар майдондаги каноп дан гектар бошига 200 центнердан ҳосил кўтариш ниятида экин парваришини обтобида олиб бормоқдалар. Айни кунларда ниҳоллар суғорилмоқда. Суратда: коллективнинг тажрибали сувчиси Мустафо Тўланов.

Р. Галиев фотоси.

ФЕРМАЛАРНИНГ ИМКОНИЯТЛАРИДАН ОҚИЛКОРЛИК БИЛАН ФОЙДАЛАНАЙЛИК

8 июнь куни Тошкент областидаги «Чиноз» наслчилик совхоз-техникумида бўлиб ўтган республика семинар-кенгашида Ўзбекистонда чорвачиликни ва ем-хашак етиштиришни янада ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди. Унда область партия комитетларининг секретарлари, область агросаноат комитетлари раисларининг ўринбосарлари, бир қанча район партия комитетларининг секретарлари, олимлар, мутахассислар қатнашдилар.

Берилаётган ҳар томонлама ёрдам ва мададга қарамай, республика қишлоқ хўжалигининг шу тармоқларидаги ишларнинг аҳволи жиддийлигича қолаётганлигини семинар-кенгашда сўзга чиққанлар таъкидлаб ўтдилар. Чорвачилик секинлик билан ривожланмоқда, фермалар маҳсулотини етиштириш даражаси озиқ-овқат программаси топшириқларига мос келмайди ва аҳолининг ошиб бораётган эҳтиёжларини таъминлай олмаяпти. Чорва ва парранданинг маҳсулдорлиги паст, подани урчитиб кўпайтириш йўлга қўйилмаган, интенсив технологиялар жорий этилмаган, ветеринария хизмати ёмон ишламоқда.

Тармоқни интенсив юритиш, гўшт ва сут етиштиришни кўпайтириш аввало пода структурасининг яхшиланишига боғлиқ. Ҳолбуки, умуман республикада сигирларнинг салмоғи 26,5 процентни, Бухоро, Хоразм, Қашқадарё ва Сурхондарё областларининг хўжаликларида 22—25 процентни ташкил этади. Шу билан бирга ҳар бош сигирдан соғиб олинган сут миқдори ҳали ҳам оз. Шу йилнинг беш ойи ичида сигирлар сути Сирдарё областида 8 килограмм, Жиззах областида 7 килограмм камайди.

Мана шуларнинг ҳаммаси соғин сигирларни боқиш ва сақлаш қониқарсиз ташкил этилганлигининг натижасидир. Кўпгина фермаларда энг оддий тартиб ўрнатилмаган, озиқлантиришнинг илмий асосланган рационлари йўқ, сигирларни маҳсулдорлигига қараб табақалаштириб боқиш йўлга қўйилмаган, озуқа цехлари ишламаяпти.

Семинар-кенгашда кўпгина хўжаликларда қорамолни боқиб семиртириш яхши уюштирилмаганлиги ҳақида гапирилди. Чунончи, Қашқадарё области, Қорақалпоғистон АССР хўжаликларида ғўштга топширилган қорамоллар ўртача вазни 295 килограммни ташкил этди. Улар кунига қам семиртирилаяпти.

Ем-хашак базасини мустаҳкамлаш билан боғлиқ масалаларга алоҳида эътибор бериш кераклигини нотиқлар таъкидлаб ўтишди. Ем-хашак етиштиришнинг ўсиши ҳали ҳам чорвачиликнинг эҳтиёжларини таъминлай олмаяпти. Суғорма ерларнинг самараси пастлиги бунинг асосий сабабидир. Кўпгина хўжаликлар гектар бошига бор-йўғи 35— 40 центнер озуқа бирлиги олмоқда.

Шу билан бирга республикада озуқабоп экинлардан 1987—1990 йилларга мўлжалланган «ем-хашак» программасида кўзда тутилганидек, йилига 2—3 мартадан ҳосил олиш учун ҳамма имкониятлар бор. Оралиқ экин сифатида рапс, перко, жавдар, тритикале, жўхори кабиларни етиштириш гектар ҳосилдорлигини 100—120 центнер озуқа бирлигигача оширади. Бироқ, бундай экинлар экиладиган майдонлар ҳаддан ташқари сусткашлик билан кенгайтирилмоқда. Эски бедапоялар нинг анчагина қисми ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Экилган ўтларни ўриб олиш технологиясига риоя этилмаяпти, бу эса ем-хашакнинг сифатига салбий таъсир қилмоқда.

Бу йил ўтлар яхши ўсган бўлишига қарамай, бир қанча областларда табиий пичан тайёрлаш уюшқоқлик билан олиб борилмаётганлиги семинар-кенгашда уқтириб ўтилди. Ҳозиргача атиги 1 миллион 720 минг тонна, ёки планга нисбатан 26 процент пичан тайёрланди. Навоий, Жиззах, Наманган ав Хоразм областларида бу ишнинг суръатлари паст, Қорақалпоғистон АССРда эса дағал хашакнинг атиги 6 процентигина ғамлаб олинган.

Семинар-кенгашда фермаларни механизациялаш даражаси ҳали ҳам жуда паст бўлиб, 60—70 процентдан ошмаётганлиги айтиб ўтилди. Ўрнатилган машина-ускуналардан унчалик самарали фойдаланилмаяпти. Техника хизмати уларни ремонт қилиш ва қаровини таъминламаяпти.

Фермаларни малакали мутахассислар билан таъминлаш ишида ҳам муаммолар кўп. Зоотехникларнинг атиги ўндан бир қисми махсус тайёргарликдан ўтган. Ветеринария врачларининг қарийб ярмиси олий маълумотга эга эмас.

Чорвачилик маҳсулоти етиштириш ва тайёрлашни кўпайтириш учун хўжалик ҳисоби, бригада ва оилавий пудратнинг жуда катта имкониятларидан самаралироқ фойдаланиш лозим, деб таъкидланди семинар кенгашда.

Семинар-кенгашда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. Б. Усмонхўжаев нутқ сўзлади.

Семинар-кенгаш ишида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари В. А. Антонов, Тошкент область партия комитетининг биринчи секретари Т. А. Алимов, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари, республика давлат агросаноат комитетининг раиси И. Х. Жўрабеков қатнашдилар.

Йиғилган кишилар «Чиноз» наслчилик совхоз-техникумида қўлланилаётган озуқабоп экинлар етиштиришнинг интенсив технологиялари, ем-хашак тайёрлаш ва сут етиштиришнинг замонавий усуллари билан танишдилар.

(ЎзТАГ).

• ПИЛЛА — ДАВЛАТГА •

ҲУРМАТ ТАХТАСИ

Пилла етиштириш ва давлатга сотиш планини бажарганликлари учун қуйидагилар область «Ҳурмат тахтаси»га ёзиладилар.

КАЛИНИН РАЙОНИ БЎЙИЧА:

Калинин номли колхоз (раиси Р. Каримов, партия ташкилотининг секретари К. Тошев, касаба союз ташкилотининг раиси У. Сиддиқов, комсомол ташкилотининг секретари Б. Аҳмедов, пиллачилик бўйича агротехник Т. Шермуҳамедов).

«Партия XX съезди» колхози (раиси К. Умаров, партия ташкилотининг секретари М. Ҳамдамов, касаба союз ташкилотининг раиси А. Икромов, пиллачилик бўйича агротехник М. Зуфаров).

«Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» совхози (директори Р. Исамуҳамедов, партия ташкилотининг секретари М. Усмонов, касаба союз ташкилотининг раиси С. Бўтабеков, комсомол ташкилотининг секретари А. Ҳакимов, пиллачилик бўйича агротехник Ҳ. Маҳанов).

Свердлов номли совхоз (директори Р. Турсунов, партия ташкилотининг секретари Э. Ҳакимов, касаба союз ташкилотининг раиси М. Маҳаматов, комсомол ташкилотининг секретари И. Исомиддинов, пиллачилик бўйича агротехник А. Умрзаев).

КОММУНИСТИК РАЙОНИ БЎЙИЧА:

«Ўзбекистон» колхози (раиси Сан-Бин Ким, партия ташкилотининг секретари И. Тошназаров, касаба союз ташкилотининг раиси М. Мирзаахмедов, комсомол ташкилотининг секретари Ҳ. Дусебоев, пиллачилик бўйича агротехник А. Абдуқодиров).

ТЎРТ РАЙОН РАПОРТИ

ЯНГИБОЗОР

КОММУНИСТИК райони пиллакорлари зиммага олинган социалистик мажбуриятни ошириб бажардилар.

Бу йил районда 3100 қути қурт уруғи боқилди. Қабул пунктларига пландаги 183,3 тонна ўрнига 208 тонна қимматбаҳо ашё етказиб берилди.

Карл Маркс номли, «Ленинский путь», Свердлов номли, «Ўзбекистон» колхозлари, Усмон Юсупов номли ва Охунбобоев номли совхозларнинг пиллакорлари район ютуғига муносиб улуш қўшдилар.

«Правда» колхозидан Люба Цой, «Ўзбекистон» колхозидан Зоҳида Собирова, «Политотдел» колхозидан Нишонгул Алимбоева, Свердлов номли колхоздан Раиса Ли, Усмон Юсупов номли совхоздан Ризвон Фозилбекова, Карл Маркс номли колхоздан Марям Нуриддинова, «Ленинский путь» колхозидан Марҳамат Йўлдошева сингари мусобақа ғолиблари ҳар қути қурт уруғи ҳосилдорлигини 80—100 килограммга етказдилар.

ПИСКЕНТ

БУ ЙИЛГИ об-ҳаво район пиллакорлари учун ҳам анча қийинчиликлар туғдирди. Шунга қарамай улар пилладан мўл ҳосил олдилар. Давлат қабул пунктларига 172,6 тонна сифатли хом ашё топширилди. Бу пландагидан анча кўпдир.

«Гулистон» колхозини пилла бокарлари — 16,1 тонна, Охунбобоев номли колхоз — 30 тонна, Свердлов номли колхоз — 30,9 тонна, «Пискент» совхози — 30,8 тонна, «КПСС XXVI съезди» совхози — 24,7 тонналик хирмон уйдилар.

Ишни оилавий пудрат асосида ташкил қилиш муваффақият омили бўлди. Пудратчи оилалар ҳар қути қурт уруғидан 80—90 килограммдан саноат хом ашёси топшириб, мусобақада пешқадамлардан бўлишди. Жумладан, Свердлов номли колхознинг Адолат Тошпўлатова оиласи икки қути қурт уруғидан 177 килограмм, «Пискент» совхозининг Ортиқ Йўлдошев оиласи 1,5 қутидан 170 килограмм, «КПСС XXVI съезди» совхозининг Ҳолбу Аҳмедова оиласи 1,5 қутидан 175 килограмм пилла ҳосили етиштирдилар.

ОҚҚЎРҒОН

ДАВЛАТГА пилла сотиш планини бажарган район меҳнаткашлари айни кунларда мажбурият ҳисобига ҳосил етказиб бермоқдалар.

Хўжаликлар ўртасида ташкил этилган социалистик мусобақада Вотинцев номли, Куйбишев номли, «Ленинизм» колхозлари, «Оққўрғон» совхози пешқадамлик қилди.

Шахсий меҳнат баҳсида шу кунгача ҳар қути қурт уруғидан 75—90 килограммдан ҳосил етиштирган пиллакорлар ғолибликни қўлдан беришмади. Вотинцев номли колхоздан Ҳалима Ортиқова, Куйбишев номли колхоздан Доно Алишева, Ҳ. Олимжон номли колхоздан Арофат Маҳмудова, «Оққўрғон» совхозидан Ойсара Абдурасулова, «Партия XXII съезди» колхозидан Ибодат Қаршибоева, «Коммунизм» колхозидан Ашир Бекмуродовалар шулар жумласидандир.

Бу йил 3150 қути қурт уруғи парваришлаган район пиллакорлари ҳозиргача 152,5 тонна ҳосил топширдилар.

КАЛИНИН

РАЙОН меҳнаткашлари ҳозиргача қабул пунктларига пландаги 142 тонна ўрнига 142,7 тонна сифатли ҳосил етказиб бердилар.

Пилла ҳосили хирмонига, айниқса, «Иваново» совхози ишчилари қўшган ҳисса салмоқлидир.

ҚАЙТА ҚУРИШ ВА ЖАДАЛЛАШТИРИШ САРИ

Қўриқ Қашқадарё областида қудратли ишлаб чиқариш потенциали вужудга келтирилган бўлиб, у халқ хўжалигининг кўпгина тармоқлари интенсив ривожлантирилишига кўмаклашиши лозим. Бироқ ана шу имкониятлардан тўла-тўкис фойдаланилаётгани йўқ. Партия-хўжалик активларининг Қаршида бўлиб ўтган йиғилишида шундай хулоса чиқарилди. Область партия, совет ва хўжалик органларининг Улуғ Октябрь 70 йиллиги шарафига қабул қилинган социалистик мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш соҳасидаги вазифалари кўриб чиқилди.

Йиғилишни Қашқадарё область партия комитетининг биринчи секретари И. А. Каримов очди.

Инсон омилини активлаштирмай, меҳнат коллективлари онгли, ижодий ташаббус кўрсатмай туриб қайта қуришни, вазият соғломлаштиришига қаратилган йўлни тасаввур этиб бўлмаслиги қайд этиб ўтилди. Кейинги вақтларда область турмушининг кўпгина соҳаларини ривожлантиришдаги турғунликни бартараф этишнинг дастлабки белгилари намоён бўлди. Улуғ Октябрнинг 70 йиллигини муносиб кутиб олиш юзасидан социалистик мусобақа, кун сайин тобора кучаймоқда. Область меҳнаткашлари бўлажак юбилей шарафига бу йил ишлаб чиқариш ҳажмини 9 процент оширишни планга қўшимча равишда 15 миллион сўмлик маҳсулот реализация қилиш мажбуриятини олдилар. Қишлоқ хўжалиги меҳнатчилари давлатга 600 минг тонна оқ олтин сотиш, ҳосилнинг 67 процентини машиналар билан йиғиштириб олиш ниятидадирлар. 280 минг тонна дон етиштиришга, деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари тайёрлаш планларини оширишга ҳам аҳд қилинган.

Капитал маблағлар ҳажми ортади. Йил охиригача 256 минг квадрат метр уй-жойни фойдаланишга топшириш мўлжалланган. Одамларнинг меҳнат, турмуш ва дам олиш шароитлари яхшиланади. Савдо, алоқа корхоналари ҳамда маиший хизмат соҳасининг ҳодимлари Октябрь юбилейи шарафига янги марраларни белгилаб олдилар.

Ана шу мажбуриятлар қандай бажарилмоқда? Область саноати беш ой якунларига кўра, планга қўшимча 27,5 миллион сўмлик маҳсулот реализация қилди. Аммо бу кўрсаткич билан фахрланишга ҳали эрта. Чунки планлар пасайтирилганлиги, мавжуд резервларни ҳисобга олмай қабул қилинганлиги яққол кўриниб турибди. Нотиқлар ҳаққоний айтиб ўтишганидек, бундай енгил-елпи ёндашув қайта қуриш гоясига тубдан зид бўлиб, меҳнат коллективларининг шахтини қайтаради, 13 та ишлаб чиқариш корхонаси ишлаб чиқариш ҳажми юзасидан планни нима учун бажармаганлиги, 23 та корхона эса ўтган йилнинг шу даврига нисбатан уни пасайтириб юборганлиги хусусида ҳам чуқур фикр юритиш керак.

Шартнома мажбуриятларини барбод этиш кўпайиб бораётганлиги алоҳида ташвиш уйготмоқда, деб таъкидлашди нотиқлар.

Нотиқлар агросаноат комплексидаги проблемалар тўғрисида ҳам кўп гапирдилар. Жумладан кўпгина қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши раҳбарларида деҳқончилик ҳамда чорвачиликни интенсивлашнинг илмий жиҳатдан асосланган системаларини жорий этишга менсимай қараш одат бўлиб қолганлиги таъкидланди.

Йиғилишда область халқ хўжалиги турли тармоқлари фаолиятидаги нуқсонларнинг сабабларини очиб ташлаш билан бирга уларни тезроқ бартараф этишнинг конкрет ташкилий ва идеологик чоратадбирлари ҳам, белгиланди. Биринчи навбатда хўжалик раҳбарларининг, меҳнат коллективларининг топшириган иш учун масъулиятини ошириш керак, дейишди нотиқлар, партия ташкилотлари қабул қилинган мажбуриятларнинг бажарилишини қатъий контрол қилиб боришлари, меҳнатни ташкил этишнинг илғор формалари кенг жорий этилишига эришишлари, одамларнинг меҳнат ва турмуш шароитларини яхшилаш тўғрисида кўпроқ ғамхўрлик қилишлари лозим.

Ўзга парвариши ва янги ҳосилни йиғиштириб олишга тайёргарлик масалаларига алоҳида эътибор берилди. Ишнинг муваффақияти кўп жиҳатдан кадрларни тўғри танлаш ва жой-жойига қўйишга боғлиқ. Бу масалада демократик асосларни ривожлантириш борасида тўпланган тажрибадан кенг фойдаланиш зарур.

Идеология ходимлари шаънига қаттиқ танқидий гаплар айтилди, улар омманинг меҳнат ва сиёсий активлигини оширишга яхши кўмаклашмаётирлар.

Йиғилишда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. Б. Усмонхўжаев нутқ сўзлади.

Йиғилиш қатнашчилари Қашқадарё области коммунистларига, барча меҳнаткашларига мурожаатнома қабул қилиб, уларни Улуғ Октябрнинг 70 йиллиги шарафига олинган мажбуриятларни бажариш учун курашга фаол қўшилишга чақирдилар. **(ЎзТАГ).**

ҚИШНИНГ ТАЛАБИ ҚАТТИҚ БЎЛАДИ

Унга ҳозирданоқ тайёргарлик кўриш керак

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида бўлиб ўтган кенгашда 1987—1988 йиллар куз-қиш фаслида халқ хўжалигини барқарор ишлашга ҳозирлаш юзасидан партия, совет ва хўжалик ташкилотларининг вазифалари муҳокама қилинди. Кенгашда область, шаҳар ва район партия комитетларининг, бошланғич партия ташкилотларининг секретарлари, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Советининг ва область ижроия комитетларининг раислари, министрликлар ва идораларнинг, саноат, қурилиш, транспорт, қишлоқ хўжалиги ва уй-жой-коммунал хўжалиги, соғлиқни сақлаш, савдо, маиший хизмат корхоналари ҳамда ташкилотларининг, мафиий ва контрол қилувчи органларнинг раҳбарлари қатнашдилар.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети раисининг ўринбосари В. В. Сударенков доклад қилди.

Кенгашда қайд этиб ўтилганидек, кейинги вақтларда саноат корхоналарида, қурилишларда, колхоз ва совхозларда, транспортда ва коммунал хўжалигида куз-қиш фаслида ишлашга тайёргарлик авж олдириб юборилди. Аммо бир қанча жойларда корхоналарни, уй-жой фондини, коммунал ташкилотларни ёқилғи ва энергия билан таъминлашда узилишларга йўл қўйилганлигини, бу эса ишлаб чиқариш маромини бузганлигини, меҳнаткашларнинг ҳаққоний таъналарига сабаб бўлганлигини ўтган йиллардаги қишнинг тажрибаси кўрсатди.

Куз-қиш фаслида барқарор ишлаш аввало ёқилғи энергетика комплекси барча тармоқларининг аниқ-пухта ишлашига боғлиқдир. Республика Энергетика ва электрлаштириш министрлиги ўтган йили сув жуда тақчил бўлиб, гидростанциялар тўхтатиб қўйилишига олиб келганлигига қарамай, энергия етказиб беришнинг барқарорлигини таъминлай олди. Бироқ ҳамма резервлар ҳам ишга туширилди, деб бўлмайди. Янги Ангрен ГРЭСидаги қувватлар ўз вақтида ишга туширилгани йўқ. Сирдарё ва Навоий станцияларида авария ҳолати сабабли машиналарни тўхтатиб қўйишга тўғри келди. Муборак ТЭЦида йўл қўйилган жиддий авария газни қайта ишловчи заводни оғир аҳволга солиб қўйди. Республика газчилари ўтган қишда қизғин меҳнат қилдилар. Улар ҳозир ҳам топшириқлардан ўзиб ишламоқдалар. Шу билан бирга «Союзузбекгазпром» бирлашмаси қишни жуда шай ҳолда кутиб олиш учун ҳали кўп иш қилишига тўғри келади.

«Средазуголь» бирлашмаси, Уй-жой-коммунал хўжалиги, Автомобиль транспорти, Алоқа, Енгил саноат, Маҳаллий саноат министрликлари шаънига танқидий мулоҳазалар айтилди. Бир қанча партия ва совет органларининг фаолиятида ҳам куз-қиш фаслида барқарор ишлашга ҳозирлик кўришда камчилик ва нуқсонлар бор.

Республика колхоз ва совхозларида, Агросаноат давлат комитетининг бўлинмаларида анча илиқ келган ўтган йил қиш даврида катталигина нобудгарчиликларга йўл қўйилди. Ҳозир ҳам чорва қишловини уюшқоқлик билан ўтказишни таъминлаш, чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ва харид қилишни кўпайтириш борасидаги ишлар тегишлича авж олдирибгина юборилмаган. Иссиқлик шохобчаларини ва водопровод тармоқларини ремонт қилиш, фермалар, озуқа цехлари механизациялаштирилиши ва электрлаштирилишини таъминлаш зарур.

Ёқилғи, электр ва иссиқлик энергияси сарфининг аниқ ҳисоб-китоби ва уни контрол қилиш ҳали ҳамма жойда ҳам пухта йўлга қўйилмаганлиги, улардан фойдаланиш қоидаларини бузишга йўл қўйилаётганлиги, хўжасизлик, ташиш ва сақлаш чоғида нобудгарчилик фактлари мавжудлиги уқтириб ўтилди.

Қишга ўз вақтида ҳозирлик кўра бошлаш, ёғин-сочинни ҳар жиҳатдан шай бўлиб кутиб олиш экономика барча тармоқларининг барқарор ишлашини гарантиялаш демакдир. Куз-қиш фаслида ҳар бир область, район, шаҳар, корхона ва колхоз, ҳар бир мактаб, касалхона ва болалар боғчаси электр энергияси, ёқилғи, иссиқлик ва сув билан узлуксиз таъминлаб турилиши учун ҳозир бир кунни ҳам бой бермаслик жуда муҳимдир.

Кенгаш ишида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретарлари А. С. Икромов, В. Н. Лобко, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети раисининг биринчи ўринбосарлари В. И. Огарок, И. Ҳ. Жўрабеков, республика Министрлар Совети раисининг ўринбосари Ғ. З. Заҳриддинов иштирок этдилар. **(ЎзТАГ).**

МУСОБАҚА ҚАРОРДА ХОЛОС

21 ИЮНЬ — МАҲАЛЛИЙ СОВЕТЛАРГА САЙЛОВЛАР КУНИ

РЎПАРАМИЗДА оддий, аммо нимаси биландир кишини ўзига ром этадиган бино. Олди гулзор. Дарахтлар қуюқ соя ташлаб турибди. Бу — санъат саройи ёки клуб эмас, Бордонқўл қишлоқ Советининг биноси.

Ичкари ҳам шинам. Советлар ҳаётига оид плакат, стенд, шиор, уруш ва меҳнат ветеранлари, қишлоқ хўжалиги зарбдорлари, жамоатчи активларнинг портретлари тартиб билан осиб қўйилган. Хоналарнинг бирида диван, юмшоқ ўриндиқлар, телевизор бор. Жавонга ижтимоий-сиёсий ва бадиий адабиётлар терилган.

Кенг, ёруғ зал келин-куёвларнинг никоҳдан ўтишларига мослаб безатилган. Хуллас, қайси хонага кирманг, дид билан жиҳозланган, озода, саранжом-саришта.

Бу нимадан далолат беради? Аввало, ижроком раҳбарларининг халқ вакили деган номни қадрлашларини, зиммаларидаги жамоатчилик вазифасини виждонан бажаришларини таъкидлаш жоиз. Қолаверса, ижроком раҳбарлари Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва Ўзбекистон касаба союзлари республика Совети посёлка, қишлоқ ва овул Советлари ўртасида ташкил этган республика социалистик мусобақасига жиддий эътибор билан қарайдилар. Шунинг учун ҳам бу қишлоқ Совети 1984 йил якуни бўйича мусобақада ғолиб чиқиб, 15 минг сўм пул мукофотини олди. Илгари ҳам икки марта совриндорлар қаторидан ўрин эгаллаган. Мукофотга олинган маблағларнинг ҳаммаси асосан социал-маданий объектлар қуриш, қишлоқ Совети биносини ремонт қилиш ва жиҳозлаш, территорияни ободонлаштиришга сарфланди. Ҳозир Бордонқўл қишлоқ Совети фақат Коммунистик районида эмас, балки областда ҳам намуна.

Аммо пойтахт областидан республика мусобақасида бошқалар билан тенг рақобат қила оладиган бирорта шундай қишлоқ Советини мисол қилиб кўрсатиш қийин. Ахир областда 125 та қишлоқ Совети, 18 та посёлка Совети бор. Наҳотки, улардан бирортаси мусобақа шартларини бажаришни уддаламаса! Афсуски, шундай. Мана, конкрет мисол: Оржоникидзе районидаги Қибрай посёлкаси ҳамда Тошкент районидаги К. Маркс қишлоқ Советлари 1985 ва 1986 йиллар якуни бўйича мусобақа ғолиблигига тақдим этилган эди. Бироқ ижроком ишлари яхши текширилмай, кўр-кўрона қилинган тавсия натижасиз қолди. Иккала номзод ҳам мукофотга илинмади.

Бундан шундай хулоса чиқади: мусобақа ижрокомларнинг қарорларида бор-у, амалда йўқ. Бирорта қишлоқ ёки посёлка Совети мусобақада чинакамига қатнашмайди. Йил якунида эса вақт тиғиз бўлганлиги учун муносиблар танлаб ўтирилмай, дуч келгани тавсия қилиб юборилади. Ҳатто ўша ижроком раҳбарларининг ўзлари ҳам бу шошилинч ҳаракат нима билан тугаганлигини билмай қоладилар. Депутатлар ҳам, улардан тузилган группа ва постлар ҳам республика мусобақасига алоқалари йўқдек, бу ишга умуман бош қўшмайдилар, аралашмайдилар.

Фикримизнинг исботи учун К. Маркс қишлоқ Совети ижроия комитети фаолиятидан мисол келтирамиз. Тўғри, кейинги йилларда ижроия комитет фаолияти бирмунча жонланди. Ҳар бир сессияда бирор доимий

СОВЕТЛАРНИНГ РОЛИ ВА ТАЪСИРИНИ ОШИРАЙЛИК

комиссиянинг иши муҳокама қилинади, ижроком мажлисларида эса территориядаги корхона, ташкилот ва хўжаликлар раҳбарларининг ҳисоботлари тингланади. Маҳалла комитетлари қайтадан тузилиб, уларнинг роли ошириляпти. Буларнинг ҳаммаси яхши. Аммо ижроком раисининг муовини Маъруф Рихсиев билан суҳбатлашганимизда унинг республика социалистик мусобақаси шартларини, мақсад ва моҳиятини яхши билмаслиги маълум бўлди. Чунончи, у мусобақанинг бориши, шартларининг қандай бажарилаётганлиги хусусидаги саволларимизга тайинли жавоб беролмади. Демак, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва Ўзбекистон касаба союзлари республика Советининг 1986 йил мусобақаси якунларига оид ҳужжати билан ижрокомда яхши танишиб чиқилмаган. Шунинг учун ҳам улар нима сабабдан мукофотга илинмай қолганликларини билмайдилар.

Умуман, бу ҳужжат кўпгина қишлоқ ва посёлка Советларида шу кунгача ҳам муҳокама қилинмаган. Айрим район Советлари ижроия комитетлари эса ҳужжатни чуқурроқ ўрганиб чиқмай, уни ўз районлари шароитига мослаштириб қўяқолганлар. Хўжа кўрсинга тузилган бундай қарорларда мусобақани уюштириш, бошқариш ҳақида бир оғиз ҳам сўз айтилмаган.

Оржоникидзе районидаги Матқобулов қишлоқ Совети ижроия комитетида шундай аҳволга дуч келдик. Республика социалистик мусобақаси тўғрисидаги ҳужжатни эслатганимизда ижроия комитет секретари Марҳамат Абдуллаева бу ҳужжат муҳокама қилинмаган, раис бетоб эди, қарор у кишининг хонасида қолиб кетган, деган баҳоналарни рўкач қилди.

— Раис қачондан бери бетоблар?

— Февраль ойидан бери мазалари йўқ?

— Аппарат ходимларидан ҳеч ким кўнгил сўраб бормадими?

— Уйларини билмаймиз.

Ана сизга ижроком секретарининг жавоби. Қишлоқ оқсоқоли бетоб бўлиб ётса-ю, наҳотки аппарат ходимларидан бирор киши кўнгил сўраб бормаса?! Изоҳнинг ҳожати йўқ. Қишлоқ Советидаги аҳвол шундоқ ҳам маълум бўлиб турибди.

Район, посёлка ва қишлоқ Советлари ижроия комитетларининг республика социалистик мусобақасидаги иштироки фақат маълумотларни қоғозга туширib, юқорига жўнатишдангина иборат бўлиб қолмаслиги керак. Шаҳар ва район партия комитетлари инструкторлари қишлоқ ва посёлка Советларига тез-тез бориб туришлари, социалистик мусобақа шартларининг қандай бажарилаётганлигини назорат қилиб, жиддий баҳолашлари лозим. Худди шу масалалар район ижроия комитетлари ҳамда инструкторларининг шахсий иш планларида ҳам ўз аксини топиши зарур.

Қишлоқ ва посёлка Советлари ижроия комитетларининг республика мусобақаси якунлари тўғрисида тақдим этадиган маълумотлари район Советлари ижроия комитетлари ва область ижроия комитетининг тегишли бўлимларида ҳар томонга тартибсиз ташланган ёғоч материаллари орасида қимлардир куймаланишарди.

— Цех бошлиғи йўқ, иш билан конторага кетди, — деди улардан бири. — Шу бино ортига ўтсангиз бригадиримиз Борис Сергеевич ишлаяпти.

Ҳовли бино ортида бирдан кескин бурилиб яна узун йўлкасимон тарзда давом этар, икки томонида алоҳида-алоҳида бинолар қуриб ташланган. Ичкари кирган сарингиз тартибсизлик тобора яққолроқ кўзга ташланарди.

Цехда хом ашё сақланадиган омборхона йўқ. Материаллар ишчиларнинг станоклари олдида ёки бинолар олд томонига улаб қурилган соябонлар остида сақланади.

Борис Сергеевич бизни совуқ қарши олди: «Цех бошлиғи йўқ. Бу масалада маъмурият билан гаплашинг».

— Албатта, маъмурият-сиз иш битмайди. Лекин ҳозир биз ишчилар билан гаплашгани келдик...

Вазият юмшагандек бўлди. Борис Сергеевич парвосизгина тўғридан бино томон йўл бошлади. Мақсадимиз ҳақида сўз очишимиз билан хонадагиларнинг барчаси бир-бирига навбат бермай гапира кетишди. Суҳбатга ака-ука Владимир ва Сергей Коркинлар, Борис Сергеевич ҳам қўшилишди.

— Бир ишчи, масалан, бир кунда план бўйича учта тумбочка ишлаб чиқариши керак бўлса, у вақтдан унумли фойдаланиб 4 та ишлаб чиқаради. Ана шу тўртинчисига ҳақ тўлашмаяпти. Ҳақ тўлашмаса, биз уни нега ишлаб чиқаришимиз керак?

— Хўжалик ҳисоби бизга нима берди ўзи? — бирдан қизишиб кетди Борис Верин. — Биз жон куйдириб ҳам сифат, ҳам сон учун ишладик. Оқибати мана...

... 1985 йил декабрида бошқармадан вакиллар келишиб, янги усулда ишлашни таклиф қилишди: ишлаб чиқариш планлари барча кўрсаткичлар бўйича бажарилса, ойлик иш ҳақининг ўн процентига миқдорида мукофот оласизлар. Махсулот сифатли ишлаб чиқарилса, буюртмачилардан эътирозлар тушмаса, яна ўн процент қўшимча мукофот тўланади!

Бу таклиф барчага бирдек маъқул келди. Аниқ мақсад билан ишлаш бошқа масала-да. Шу тариқа коллектив билан маъмурият ўртасида шартнома тузилди.

1985 йилда кўпчилик ташкилотларда ҳали хўжалик ҳисоби ҳақида оддий тасаввурга ҳам эга эмас эдилар. Мебелсозлар ҳам корхонага, ҳам ўзларига катта фойда келтириши аниқ бўлган бу усулда биринчилардан бўлиб иш бошлашди.

Лекин маълумки, якка буюртма билан ишлайдиган корхоналарда ишчиларга оширилган иш ҳақи тўланади. Чунки бир турдаги бир хил размерли мебель ишлаб чиқаришда ишчининг тажрибаси ортган сари иш унумдорлиги ҳам орта боради. Ҳар сафар янги турдаги якка буюртмани бажариш эса бирмунча қийин.

Ўша пайтда корхонага янги ишга келган меҳнат ва иш ҳақи бўлими бошлиғи Галина Баракова индивидуал буюртма билан ишловчи корхоналарда бир турдаги махсулот уч донадан ортиқ миқдорда ишлаб чиқарилса 0,8 коэффициенти жорий қилиниши кераклиги ҳақида маълумот берди. Натижада цех хўжалик ҳисобида иш бошлащи билан ишчиларнинг иш ҳақидан кўп сонли буюртмалар учун 0,8 процент босиб олиб қолина бошлади. Ишчиларга эса бу ҳақда аниқ тушунча берилмади.

Хўжалик ҳисобида ишлаётган коллектив ёрдамчи материаллардан иқтисодий фойдаланиб, корхонага пландан ташқари қўшимча фойда келтирсагина, ана шу фойданинг 50 процентигача миқдорида мукофот олиши мумкин, дейишди йил охирида.

— Биз бундан хабардор эдик, — деди цех бошлиғи Султон Хасанов суҳбатда.

— Хўжалик ҳисобига ўтишимиз билан ўзимиз ҳам кирим-чиқимларнинг ҳисоб-китобини олиб бордик. Маъмурият назарда тутган беш кўрсаткич бўйича ҳам иқтисод қилиб қолишга эришдик. Мисол учун, мебель қисмларини пресслашда электр қуввати билан ишлайдиган ускуналардан фойдаланилади. Шу жараённи қўл кучи билан ҳам бажариш мумкин. Бунда эса ҳам ўша иш сифатлироқ бажарилади, ҳам электр тежалади. Ишчилар кўпинча иккинчи усулдан фойдаланишди. Натижада электр қуввати иқтисод қилинди. Кўмир ўрнига эса бир мунча арзон бўлган саноат чиқитидан ишлатилди. Иш ҳақи фонди, шу каби бошқа кўрсаткичларда ҳам иқтисод қилиб қолишга эришдик. Ўша пайтдан бери бирлашма Кўчма қизил байроғини қўлда сақлаб келяпмиз.

Цех коллективи йил давомида корхонага 18 минг сўм миқдорида пландагига қўшимча даромад келтирди. Лекин уларни мукофотлашга келганда маъмурият ўртасида иккиланишлар бошланди. Барча цехлар бирдек кўрсаткичга эришмаган бўлса-да, «ё ҳаммага, ё ҳеч кимга» деганлар ҳам бўлди.

Г. Баракова бу ҳақидаги ўз фикрини аниқ ва лўнда ифодалаб қўяқолди:

— Очиғини айтганда, биз иккиландик: ишчилар биринчи бор бундай катта миқдорда мукофот олишлари — бериш мумкинми ё йўқми?

... Мақолани ёзиб бўлгач, теришга тушириш олдидан цех бошлиғига телефон қилдик. Ишчиларга даромаднинг 30 процентигача миқдорида мукофот ажратилибди. Улар меҳнатда иштирок этиш коэффицентига қараб ўртача 170 сўмдан мукофот олишибди.

— Биз шу мукофотни ишчиларга бериш тўғрисидаги буйруққа қўл қўйиб, масъулиятни ўз бўйнимизга олдик, — деди корхона директори Мамажонов. — Ҳа, ишчилар яхши ишлашди. Шу ишлари учун ҳақ талаб қилишаяпти. Тўғри. Лекин партия, давлат ҳозир ишчиларни фақат шахсий манфаатдорликни эмас, балки корхона, коллектив манфаатини ўйлашга ҳам даъват этяпти-ку...

Беихтиёр кўз ўнгимда цехдаги манзара намоён бўлди. У ерда ҳали ҳам 60-йиллардаги жиҳозлардан фойдаланилмоқда. Кўп ишлар қўл кучи билан бажарилаяпти. Албатта, директорни корхона келажаги ўйлантиряпти.

— Тўғри, биз камчиликларга йўл қўйдик, — деди план бўлими бошлиғи Насиба Муратова цех кўрсаткичлари ҳақида тартиб билан бафуржа гапираркан. — Одатда ҳар бир янгиликнинг ўзи ҳаётдан ўрин топиб кетиши қийин бўлади. Мана, секин-аста камчиликларни ҳам тузатяпмиз.

1986 йилнинг иккинчи ярмидан эса корхона ўз-ўзини маблағ билан таъминлаш йўлига ўтди. Демак, коллективнинг келажаги ўз қўлида. Лекин бир масалада маъмурият тутган йўл билан келишиб бўлмайди. Ишлаб чиқаришга 0,8 коэффициенти жорий қилинганида ҳам ишчиларга бу ҳақда тўлиқ тушунча берилмади. Мукофот пулини тўлашни чўзиб юборганларида ҳам уларга бирон-бир ишончли, асосли сабаблар кўрсатилмади. Коллективга бундай муносабатда бўлиш билан маъмурият ишчилар олдида ўз обрўсини пасайтирмадими, ўзлари бошида дадиллик билан жорий этган ва ҳаётда ўз ўрнини топа бошлаган янгиликнинг қадрини бироз туширib қўймадиларми-кан?

Бу ўринда яна Насиба Муротованинг юқоридаги гапларини такрорлаш ўринли: ҳар бир янгилик ҳаётга осонгина йўл топиб, силлиққина жорий этилавермайди. Бу воқеада эса, энг муҳими — иккиланиш янгиликнинг фойдасига ҳал бўлди, хато тузатилди. Демак, яхши йўл очилди.

...Энди, ўйлаймизки, Виктор Дмитриевич ҳам агитпунктга, сайловга мамнуният билан боради, қониқиш туйғуси билан овоз беради!..

М. ҚОСИМОВА,
«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.

Қайта қуриш чорраҳаларида

МУКОФОТ ҚОНУНИЙ, ЛЕКИН...



● Оққўрғон район Аччи қишлоқ Советидаги 4-сайлов участкаси агитпунктида сайловолди пропаганда ишлари қизғин олиб бориляпти. Суратда: агитпункт агитаторлари (чапдан) Турдиали Носиров, Маъруф Ортиқов. Кўчқор Пардаев, Саноат Исмоиловалар ўзларига бириктирилган маҳаллаларга йўл олишдан аввал ўзаро суҳбатлашмоқдалар.

А. Зуфаров фотоси.



КПСС аъзоси, Меҳнат Қизил Байроқ ордени нишондори Валентина Гречко абразив комбинатида меҳнат қилади. У сунъий олмосларни синтезлаш цехининг илғор смена мастери. Ўз хизмат вазифасига ҳамиша сидқидилдан ёндошади. Яқинда В. Гречкога салмоқли меҳнат ютуқлари учун «Беш йиллик зарбдори» деган шарафли ном берилди.



ЎЗБЕКИСТОН Ленин комсомоли мукофоти лауреати Татьяна Колчина Ўзбекистон шаҳар қурилиши илмий текшириш институтида 15 йилдан буён меҳнат қилади. У республикамизнинг БАМ қурилишида иштирок этган вакилларидан. Чита областидаги Куанда посёлкаси ва станцияси Т. Колчина лойиҳаси асосида қурилган. Ҳозир бу посёлканинг иккинчи навбати қурилмоқда. Суратда: Т. Колчина.

М. Нуриддинов фотолари.

НОВАТОРЛАР ФАОЛИЯТИДАН

ЭЛЕКТР ТЕЖАЛАДИ

ГАЛВАНИКА цехларида зарарли химиявий моддаларни тортиб олувчи вентиляция системалари ишлаётганда улар билан бирга кўплаб электролитлар ҳам чиқиб кетади. Электролитлар чиқиб кетишини қисқартиришнинг энг самарали усулларидан бири унинг юқори қисмида полимер материалардан ишланган махсус мослама ўрнатишдир.

«Узместпром» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси мутахассислари бу мосламанинг олти қиррали оптимал шаклини ўйлаб топдилар. Унинг қуйма шакли тайёрланди. Калинин районининг хўжалик-рўзғор буюмлари фабрикасида полиэтилен чиқитларидан хромлаш ванналари учун лозим миқдорда мосламалар тайёрлаб берилди.

Ишлаб чиқаришдаги синовлар бу олти қиррали мосламалар туфайли хромлаш ванналарининг юза қисмидан электролитларнинг чиқиб кетиши бир ярим-икки баравар қисқаришини кўрсатди. Бундан ташқари, мослама бугланиб кетишга ҳам қаршилик қилиб электролитларнинг тезроқ қизишига, унинг даражасини узоқ вақт бир меъёрда сақлашга ёрдам беради. Натижада электр қуввати тежалади, электролитнинг хизмат қилиш вақти узаяди, гальваник қопламанинг сифати яхшиланади. Цехнинг ҳавоси ҳам анча мусаффо бўлади.

А. СИЗОВ.

УЛУҒ ОКТЯБРНИНГ 70 ЙИЛЛИГИГА — ИККИ ЙИЛЛИК ПЛАН

ЁҚУБОВ БРИГАДАСИ

ФАХРИ Ёқубов етакчилигидаги комплекс бригада «Главташкентстрой» 153-трест 3-қурилиш бошқармасининг илғор коллективларидан ҳисобланади. 13 кишилик аҳил коллектив бригадалараро социалистик мусобақанинг доим олдинги сафларида бормоқда. Пудрат усулида ишни ташкил этган қурувчилар шу кунларда Қўйлиқ-1 массивида 32 квартирали турар-жой биносини бунёд этмоқдалар. Бригада ҳар бир аъзосининг бирнеча қўшимча касбларни эгаллаб меҳнат қилиши яхши самаралар беряпти. Натижада кунлик иш норма 20—25 процентдан ошириб бажарилмоқда. Электрпайвандчи Алексей Федоров, ғишт терувчи Любовь Радченко, бетончи Илҳом Исмоиловлар коллектив муваффақиятига салмоқли ҳисса қўшишяпти. Умуман бригада коллективи Улуғ Октябрнинг 70 йиллиги шарафига мусобақани қизитиб, 7 ноябргача икки йиллик планни бажаришга аҳд қилган.

М. ФЕЛЬДМАН.

Ватандош „ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ" назоратида

ТЕКШИРИШЛАР, НАТИЖАЛАР, ЧОРАЛАР

«Биз Олмалиқдан 18 километр узоқдаги Терекли қишлоғида яшаймиз. Шаҳарга тушиб ишлаш имконияти йўқ. Бошқа ташкилотларга бориб ишлайлик десак болаларни қолдириш учун боғча ва яслилар ҳам қурилмаган».

Терекли қишлоғидан бир группа аёлларнинг юборган бу хати бўйича халқ депутатлари Олмалиқ шаҳар Совети ижроия комитетининг раиси Г. П. Гладькодан жавоб олинди. Маълум бўлишича, Терекли қишлоғини социал ривожлантириш ўн иккинчи беш йиллик планида боғча-ясли қуриш планлаштирилмаган. Лекин шаҳар ижроия комитети у ердаги аҳолининг талабини ҳисобга олиб меҳнатга яроқли аёлларни ишга жалб қилиш учун қатор тадбирларни белгилади. Жумладан, Олмалиқдаги якка буюртмалар фабрикасининг филиалини шу қишлоқда очиш учун қарор чиқарилди. Филиалда тикувчилик ва трикотаж буюмлари тайёрланади. Шу кунларда фабрика ишчиларининг кучи билан филиал биноси ремонт қилинмоқда ва у ерга керакли асбоб-ускуналар ўрнатилмоқда. Ишлаб чиқаришда бевосита иштирок этиш имкониятига эга бўлмаган аёлларга уйларида ишлаш учун имконият яратиб бериш масалалари кўриб чиқилди.

* * *

«Маҳалла комитетининг раиси Иброҳим Аллонов — номига ранс. Маҳалла ободончилиги билан иши йўқ. Атрофига ўзига ўхшаш бир неча хайбаракаллачиларни йиғиб олган. Уни сайлаб қўйган маҳалла аҳолиси ўртасида бир неча йилдан бери ҳисоб бермайди. Маҳаллада бирон марта ветеранлар билан учрашув, янги паспорт бериш, Армия сафига кузатиш, турли темаларда қизиқарли лекциялар уюштириш ҳақида гап кетса, комитет раиси И. Аллонов доимо қаршилик кўрсатади».

Ҳамза районидаги Янгиобод массиви «Гулистон» маҳалласидан редакцияга юборилган бир группа меҳнаткашлар имзо қўйган юқоридаги хат юзасидан район Совети ижроия комитети раисининг ўринбосари Т. Турсуновдан жавоб олинди. «Гулистон» маҳалласига бориб текшириш ўтказилганда маҳалла комитети фаолиятидаги барча камчиликлар тасдиқланган. Маҳаллада ҳисобот-сайлов йиғилиши қилиниб, илгари сайланган комитет аъзоларининг фаолияти қониқарсиз деб топилган ва 13 кишидан иборат янги состав сайланган.

ПАРТИЯ ТУРМУШИ: ХЎЖАЛИККА РАҲБАРЛИК

ТИКЛАНИШ

БИРИНЧИ ҚАДАМ

Бош иқтисодчи Шермат Холматов май ойининг сўнгги кунларида топширилган маҳсулотларнинг ҳисоб-китобини қилди-да, сўнг маълумотларни олиб директор олдига кирди. Соғлом Балашов рақамларни синчиклаб кўриб чиқди. Шунда чеҳрасида мамнунлик аломати сезилгандек бўлди.

— Демак, беш ойда давлатга сут топшириш олти ойлик планини бажарибмиз-да. Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 133 тонна кўп. Бу томондан кўнглимиз тинч энди.

— Ферма тоғ зонасига кўчирилгани жуда яхши бўлди-да,— қўшиб қўйди Ш. Холматов.— Молларнинг оғзи кўкка тегиши билан сут ҳам кўпайди.

Директор индамади. Аслида молларни барвақтроқ тоққа ҳайдаш фикри унинг ўзидан чиққан эди. Чунки бу йил ёнғингарчилик кўп бўлиб, ўт-ўланлар тез етилди-да.

Ўшанда апрель ойининг охирлари эди. Кечга томон бош мутахассислар, чорвадорлар, идорага таклиф этилди.

— Энди фермани тоғ зонасига кўчирсак ҳам бўлаверади,— деди С. Балашов, — ўтлар сероб, тиззага ураяпти. Моллар яйраб озиқланади, маҳсулдорлик ошади. Бу тадбир хўжаликка қанча иқтисодий фойда келтиришини кўз олдингизга келтиряпсизми?

Олдинига мутахассислар бир-бирларига қараб қолдилар. Чунки моллар фақат фермада боқиларди-да. Энди директор уларни тоққа ҳайдаб боқишни таклиф этаяпти. Шунча молни, сут соғувчиларни кўчириш, уларни жой билан таъминлашнинг ўзи бўладими, ахир. Шуни ўйлаб айрим кишилар ферма ишини қайта қуриш бўйича директор билдирган таклифни рад этмоқчи бўлишди. Лекин С. Балашов ўз фикрини исботлаб берди. Қайта қуриш хўжаликка қанчалик кўп фойда келтиришини факт ва рақамларда келтирди.

Директор ҳақ гапни айтган экан. Сигирлар фермада боқилаётган кезларда кунига ўрта ҳисобда 2,1 тонна атрофида сут соғиб олинаётган бўлса, тоғда эса сут миқдори беш тоннадан ортиб кетди. Бу катта кўрсаткич эди. Харажатларнинг кескин камайганлигини айтмайсизми. Фермада сигирларга сув бериш, гўнг чиқариш ва бошқа хизматлар билан анча киши овора бўлар эди. Бу ерда эса фақат икки молбоқар ишлаяпти. Бошқа одам керак бўлмай қолди. Уларнинг иши ҳам соғим вақтида сигирларни бир жойга тўплашдан иборат холос.

Ферма ишидан озод бўлган ишчилар қишлов учун ем-хашак жамғаришга сафарбар этилди. Фермада кунига молларга 22 тоннадан кўпроқ кўк беда бериларди. Бу эса ҳар ойда 660—680 тоннани ташкил этади. Яни усул туфайли энди шунча беда иқтисод қилинаяпти. Барча харажатларни қисқартириш ҳисобига майиюнь ойларида қўшимча 14 минг сўмлик самара олиш мўлжалланмоқда. Ҳозир ҳар центнер сутнинг таннархи пландагига нисбатан етти сўмга арзонлашаяпти.

Бундан икки йил муқаддам чорвачилик совхоз учун кони зарар эди десак ҳозир биров ишонмас. Аслида шундай бўлган.

ОДАМЛАР БИЛАН БАМАСЛАҲАТ

Совхозда фақат чорвачилик бўйича эмас, балки бошқа соҳаларда ҳам планлар бажарилмасди. 1985 йил якунлари бўйича план адо этилган бирор соҳа бўлмади. Хўжалик оғир аҳволга тушиб қолган эди. Шунда район партия комитети Серго номли совхознинг директори Соғлом Балашовга қолоқ Ворошилов номли совхозга ўтиб ишлашни, хўжаликни оёққа турғазиб беришни таклиф этди. Янги директор хўжалик фаолиятини ўрганар экан, ишни бутунлай қайта қурмай туриб, йўлга солиш мушкул эканлигини ҳис этди.

Совхоздаги мавжуд 8 та бўлим ихчамлаштирилиб, бештага келтирилди, улар ихтисослаштирилди. Бўлимларни камайтириш ҳисобига 51 та штат қисқарди, бундан 83 минг 220 сўмлик маош фонди тежалди. Лекин қайта қуриш осонликча бўлмади.

Ташкилий ишлар қизиб бораётган кезларда хўжаликка район партия комитетининг биринчи секретари Т. Миркомилов келиб қолди.

— Техника керак, фан ютуқларини жорий этмай туриб, хўжаликни кўтариб бўлмайди,— деди С. Балашов унга.— Ферма ишларини механизациялаштиришга ҳам кучимиз етмаяпти, мутахассислар керак.

Шундан кейин совхозда район партия комитетининг штаби ташкил этилди. Ишлар қизиб кетди. Ихтисослашган қурилиш-монтаж бошқармаси, цемент комбинати яна бир қатор корхоналар вакиллари хўжаликка катта ёрдам кўрсатдилар. Ўшандан кейин фермалар тўла механизациялашди, селекция ишларига эътибор кучайди. Сигирларнинг 80 проценти зотли молларга алмаштирилди. 1987 йилда бирорта ҳам жайдари сигир қолмайди.

Хўжаликда ҳар шанба чорвадорлар куни деб эълон қилинган. Белгиланган вақтда хўжалик маъмурияти, партия ҳамда жамоат ташкилотлари вакиллари, бош мутахассислар фермаларга боришади, одамлар билан учрашиб, уларнинг фикрларига қулоқ солишади. Чорвадорлардан маданий-маиший шароитни яхшилаб бериш ҳақида илтимослар кўпроқ тушди. Имкониятлардан келиб чиқиб ошхоналар реконструкция қилинди, қизил бурчак, дам олиш хоналари, душхоналар ташкил этилди. Ҳамма жойда буфетлар очилиб, кундалик рўзғор учун зарур моллар сотиш йўлга қўйилди.

Таклифларнинг кўпгина қисми амалий бўларди. Наслли бузоқ боқишга ихтисослашган бўлимда КПСС аъзоси, сут соғувчи Саломат Эргашева шундай деди:

— Бузоқ етиштирувчи икки бригадани бирлаштириш керак. Чунки иккала коллективга битта техника хизмат қилади. Ҳозир қайси бригада олдинроқ техникани эгаллаб олса, марра ўшаники бўлаяпти. Бошқа бригадада бажарилиши лозим бўлган ишлар эса ўлда-жўлда қолиб кетмоқда. Бундан сансалорлик, ноаҳиллик келиб чиқаяпти. Пировардида иш-

ПРОПАГАНДИСТГА ЁРДАМ БЕРАЙЛИК

Идеология ишининг муҳим соҳаси — меҳнаткашларнинг марксча-ленинча таълимидир. Бу соҳага партиявий раҳбарликнинг бўшашиб кетганлиги, кўпгина партия комитетларининг бу иш билан юзаки шуғулланаётганлиги, фақат сиёсий маориф уйлари ва кабинетлари зиммасига юклаб қўйилганлиги, КПСС Устави талаблари асосида назарий савияни ошириш учун коммунистлардан шахсан талаб қилишнинг пасайиб кетганлиги, шунингдек ўқувнинг мавжуд системасида кўпинча ижодий баҳсларнинг, ошкор фикрлашнинг йўқлиги ўқишнинг обрўсини муайян даражада туширib юборди.

Жамиятимиз тараққиётининг ҳозирги бурилиш босқичида бутун идеологиянинг ишини, жумладан, унинг муҳим соҳаси бўлмиш — меҳнаткашларнинг сиёсий ва иқтисодий ўқув системасини қайта қуриш давр талаби бўлиб қолди.

Шу нуқтаи назардан қараганда КПСС Марказий Комитетининг «Меҳнаткашларнинг сиёсий ва иқтисодий ўқув системасини қайта қуришнинг Асосий йўналишлари» лойиҳаси ва унинг муҳокамага қўйилиши катта сиёсий ва амалий аҳамиятга эгадир.

Биз ушбу лойиҳада баён этилган тадбирларни асосан маъқуллаган ҳолда ўзимизнинг таклифларимизни ҳам баён этмоқчимиз.

Аввало, машғулотларни ўтказиш муддатлари ҳақида мулоҳазамиз бор. Лойиҳада сиёсий мактаб ва семинарларда машғулотларни қишлоқда 1 ноябрдан 15 апрелгача олиб бориш назарда тутилган. Биз машғулотларнинг 20 ноябрдан бошланишини таклиф этамиз. Чунки шу вақтга келиб деҳқончилик юмушлари ниҳоясига етади ва ўқувни ҳар томонлама пухта ҳозирлик кўриб бошлаш мумкин бўлади.

Лойиҳанинг IV бўлимида: «проблематик ёндашув, мулоқот, турли нуқтаи назарларни таққослаш, мунозара, коллектив муҳокаманинг бошқа актив формалари ўқув жараёнининг асосига қўйилиши керак» дейилган.

БЎКА РАЙОНИ

Бу муҳим кўрсатма. Унинг муваффақиятли бажарилиши тингловчилар учун зарур ахборот манбаларига кўп жиҳатдан боғлиқдир. Шунинг учун тингловчиларнинг машғулотларга яхши тайёргарлик кўришларини таъминлаш мақсадида лойиҳада кўрсатилган курслар бўйича дарслик ва ўқув қўлланмаларини ҳар-бир республикада ўрганиладиган масалаларнинг ҳаётга татбиқ этилиши аҳволини акс эттирган ҳолда зарур қўшимчалар билан қайта нашр этишни таклиф қиламиз.

Бундан ташқари район ҳисоблаш марказларига райсий маориф кабинетлари учун районни социал-иқтисодий ривожлантириш планларининг бажарилиши бўйича зарур маълумотларни мунтазам тайёрлаб бериб туриш вазифаси юклатилса мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Иқтисодий ўқув системасида пропагандистлик вазифаси албатта корхоналарнинг биринчи раҳбарларига ҳам юклатилиши лозим, деб ҳисоблаймиз.

Шу ерда яна бир масала устида тўхталмоқчимиз. Маълумки, пропагандистларнинг машғулотларга тайёрланиш учун кўплаб адабиётларга мурожаат қилишларига тўғри келади. Шундай экан, барча зарур адабиётларга обуна бўлиш моддий жиҳатдан пропагандистларга оғирлик қилади. Шунинг учун пропагандист обунасининг муайян қисми хўжалик, корхона ҳисобидан амалга оширилса.

Пропагандистлар учун район партия комитети раҳбарлигида «Ахборот куни»ни ўтказиш жорий этилса ва бу кунда партия, совет, хўжалик, маъмурий органлари раҳбарлари сўзга чиқсалар фойдадан ҳоли бўлмасди. Тарғиботчилар машғулотларнинг янада мазмунли ва қизиқарли ўтиши учун қўшимча маҳаллий фактларга эга бўлардилар.

М. МИРЗАЕВА,
Бўка район партия комитетининг секретари,
У. ЖЎРАЕВ,
район партия комитети пропаганда ва агитация бўлими мудирининг ўринбосари.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ЛОЙИҲАСИ МУҲОКАМАДА

Фикрлар умумлаштирилмоқда

Шу кунларда районимиз партия ташкилотларида КПСС Марказий Комитетининг «Меҳнаткашларнинг сиёсий ва иқтисодий ўқиш системасини қайта қуришнинг Асосий йўналишлари» лойиҳаси қизғин ўқиб-ўрганилмоқда. Лойиҳа сиёсий ўқувнинг барча мактабларида муҳокама этилди.

— Лойиҳада айни бизнинг дилимиздаги фикрлар баён қилинган, — дейди «Далварзин» совхозининг 1-бўлими партия ўқуви пропагандисти Абдуҳалил Худойбердиев. — Биз пропагандистлар, айниқса, ўқув қўлланмаларининг камлиги, борларининг ҳам кечикиб келишидан маълум қийинчиликларга дуч келардик. Лойиҳада эса пропагандистларни ўқув қўлланмалари билан таъминлаб боришнинг конкрет йўллари баён қилинган. Албатта бунга амал қилиш керак. Кейинги вақтларда халқаро аҳвол жуда мураккаблашиб кетди. Барча меҳнаткашларнинг унга қизиқиши бениҳоя ортмоқда. Шуни ҳисобга олиб ҳар бир пропагандист машғулотнинг дастлабки ўн минутини халқаро аҳвол тўғрисидаги обзор ёки суҳбатга бағишласа, деган таклиф киритмоқчиман. Албатта, якунловчи машғулотда ҳар бир тингловчининг халқаро аҳвол ҳақидаги билимини синаб кўриб баҳолаш ҳам керак.

Ойбек номли совхоздаги 32-ўрта мактаб директори Муродулла Қубаев бир нечта йиллардан бери совхознинг 3-бўлимида пропагандистлик қилиб келади. У КПСС Марказий Комитети лойиҳасига қуйидаги жумлани киритишни таклиф этди: «Пропагандистларни олий маълумотли мутахассислар ичидан танлаш ва ҳар бир пропагандистни икки йилда бир марта аттестациядан ўтказиб туриш лозим».

БЕКОБОД РАЙОНИ

Қурбон Алмонов 22 йилдан буён пропагандистлик қилади, Зиммасига юклатилган бу масъулиятли жамоат топшириғини сидқидилдан адо этмоқда.

— Биз, — дейди у, — КПСС Марказий Комитетининг лойиҳасини ўзим пропагандистлик қилаётган «Авангард» совхози марказий бўлими коммунистлари билан атрофлича муҳокама қилдик. КПСС аъзолари лойиҳа ҳақида ўзларининг айрим фикр-мулоҳазаларини ҳам баён этдилар. Улар қуйидаги таклифларни киритишни лозим деб топдилар:

— Сиёсий мактаблар ва семинарлар қишлоқ районларида 15 ноябрдан 1 апрелгача давом этса;

— «Хизмат кўрсатган маданият ходими» унвони берилсин» деган жумла «Хизмат кўрсатган пропагандист» унвони берилсин», деб ўзгартирилса.

Районда партия ўқувининг барча формалари бўйича мактабларда 4586 тингловчи шуғулланади, машғулотларга 163 пропагандист раҳбарлик қилмоқда. Апрель ойининг охирги ва май ойидаги биринчи машғулотларида тингловчилар КПСС Марказий Комитетининг лойиҳасини муҳокама қилдилар. Қизғин ўтган муҳокамаларда лойиҳа тўлиқ маъқулланди, қўшимча фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Лекин баъзи партия ташкилотлари бу муҳим партия ҳужжатини муҳокама қилишни актив ташкил этмадилар. Партия ўқуви мактабларида лойиҳа номигагина муҳокама қилиниб, тингловчилар, пропагандистлар томонидан лойиҳа юзасидан ҳеч қандай таклиф киритилмади. Бундайлар қаторига «Авангард» совхози, «КПСС XXV съезди» номли совхоз, «Коммунизм», «Победа» колхозлари, «Далварзин» пахта тозалаш заводи, 10-механизациялашган кўчма колонна, район матлубот жамияти партия ташкилотларини киритиш мумкин.

Шу кунларда район партия комитети лойиҳа муҳокамасига якун ясамоқда. Билдирилган фикрлар ва киритилган таклифлар ўрганилиб, умумлаштирилмоқда.

Н. ЖАЛИЛОВ,
Бекобод район партия комитети сиёсий маориф кабинети мудири.

МОСКВАДАН ХАТ

РЕВОЛЮЦИЯ ҚОМУСИ

Бу китоб саҳифалаб бўлинди. Янги қомуснинг номи «Улуғ Октябрь социалистик революцияси» деб аталади. Унда юзлаб мақолалар, ўнлаб рангли безаклар, кенг библиография берилган. Бу нашр ҳақида «Советская энциклопедия» нашриёти илмий редакцион кенгаши раисининг ўринбосари М. Кузнецов шундай ҳикоя қилди.

— Справочник Улуғ Октябрнинг 70 йиллиги арафасида чиқарилади, — деди Михаил Иванович. — У кенг китобхонлар оммасига юбилей совғаси бўлади. Бундай қомус бундан ўн йил илгари нашр этилган эди. Эндиликда у жуда ноёб бўлиб қолди. Бироқ, навбатдаги қомус олдингисини қайта нашр этиш деган гап эмас. У принцип жиҳатидан тамомила янги китобдир, биринчи қомусдан ўзининг фундаментал илмий систематикаси, материалларининг бойлиги, бадиий безагининг ноёблиги билан фарқ қилади.

Мутахассислар юбилей нашри планини тузар эканлар, Октябрь революциясининг асосий воқеаларини тўла акс эттиришга, Совет ҳокимиятининг бутун мамлакат бўйлаб ғолибона юришини кўрсатишга ҳаракат қилдилар. Китобда 1917 йил ва 1918 йилнинг ўртасигача бўлган давр қамраб олинган. Қисқа қилиб айтганда революцияга тайёргарлик, жаҳонда биринчи социалистик давлатнинг туғилиши ва унинг дастлабки қадамлари акс эттирилган.

Справочникнинг ҳажми анча кенгайтирилди. Унинг 700 дан ортиқ саҳифаси бор. Бу кўпгина мақолаларни анча кенгайтириш, тарихий фаннинг сўнгги ютуқларини кўпроқ ҳисобга олиш имконини беради. Китобхон революцион воқеалар мамлакатнинг барча регионларини қандай қамраб олаётганлиги, ҳарбий гарнизонларда, фронтлардаги армияларда буюк озодлик ғояси кишиларни қанчалик кўп жалб қилганлиги тўғрисида тўлароқ тасаввурга эга бўладилар. В. И. Ленин, большевик лар партиясининг миллий чекка ўлкаларидан ҳисобланган Ўрта Осиё, жумладан ҳозирги Ўзбекистон территориясида қандай амалга оширилгани тўғрисида янги маълумотлар бор. Энциклопедиянинг справка қисми бўлиб, унда Улуғ Октябрга бағишланган турли илмий ва бадиий китоблар рўйхати берилган. Революцион воқеаларни акс эттирувчи театр спектакллари, кинофильмлар, совет рассомларининг асарлари ҳақидаги маълумотлар ҳам китобдан ўрин олган.

Гражданлар урушига бағишланган яна бир қомус биринчи нашрнинг мавзу жиҳатдан давоми бўлади. Бу китоб ҳам Улуғ Октябрь революцияси юбилейи арафасида босмадан чиқарилади.

— Бошқа нашриётлар китобхонларни қандай асарлар билан хурсанд қилишмоқчи? — шундай савол билан биз СССР Давлат нашрёт, полиграфия, ва китоб савдоси комитетига мурожаат қилдик.

— 1987 йил плани бўйича «СССРнинг иллюстрациялашган тарихи» деган янги нашр босмадан чиқарилади, — деди комитетнинг йиғма тематик планлаштириш ва мувофиқлаштириш бошқармаси бошлиғи А. Махов. — У ҳам революция қомуси сингари кўп сонли илтимослар ва талабномалар туфайли тайёрланмоқда. «Революция давом этади...» «Планета» нашриёти томонидан тайёрланаётган безакли альбомни биз шундай деб атамоқчимиз. «Бугунги совет жамияти: муаммолар, саволлар ва жавоблар», «КПСС XXVII съезди: ҳуқуқ, демократия, социал адолат», «Ўз-ўзини бошқарув» ва СССРни иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштириш»—Сиёсий нашриёт, «Юридическая литература», «Экономика» нашриётларининг тайёрлаётган муҳим ишлари шулардан иборат.

А. СУХОНОС,
Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган маданият ходими, Москва шаҳри.

«ҲУЖУМ» ҲАРАКАТИНИНГ 60 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

КОМСОМОЛ КЎМАГИДА

В. И. Ленин пролетарнат хотин-қизлар учун тўла озодликни қўлга киритмай туриб, тўла озодликка эришиши мумкин эмас, деб айтган эди. Коммунистик партия ва Совет ҳукумати улуғ доҳийнинг шу кўрсатмаларига амал қилиб, хотин-қизларни тўла озодликка чиқариш, социалистик қурилишга кенг жалб қилиш йўлини оғишмай амалга ошириб бордилар.

ВКП(б) Марказий Комитетининг 1926 йил 18 июлдаги «Ўрта Осиё партия ташкилотларида ишчи аёллар ва деҳқонлар ўртасидаги иш тўғрисида»ги қарори Ўзбекистонда аёлларни озод қилиш учун олиб борилаётган ишларнинг кенг кўламда авж олиб кетишига туртки бўлди. Бу муҳим ишда комсомол ҳам актив қатнашди.

Ёш хотин-қизларни озодликка чиқариш ҳақидаги масала Ўзбекистон комсомоли барча бўғинларининг диққат-эътиборида бўлди. Улар ёшлар ўртасида, айниқса, хотин-қиз ёшлар ўртасида тарғибот-ташвиқот ишларини тобора кенгайтирдилар. Бундай масалалар Ўзбекистон комсомолининг I—VI съездлари қарорларида ҳам катта ўрин олди. Бу ёшларни социалистик қурилишга жалб қилишни тезлаштиришга кўмаклашди.

Ўзбекистон комсомол ташкилотлари бу ишнинг турли хил формалари ва усулларидан фойдаландилар. Айниқса, хотин-қиз делегатлари йиғилишлари, хотин-қизлар клублари, қизил бурчаклар, ишлаб чиқариш илғорлари мактаблари каби иш формалари кенг авж олди. Уларни ташкил этиш ва фаолиятини кучайтиришда комсомоллар фаол қатнашдилар. Кўп жиҳатдан шу туфайли ҳам 1926 йилга келибоқ делегатлар йиғилишлари ишида иштирок этувчи ўзбек хотин-қизлари сони уч баравар, хотин-қизлар клублари икки баравар ортди.

Партиянинг комсомолнинг актив иштироки билан хотин-қизлар ўртасида олиб борган катта иши ўзининг ижобий натижаларини бера бошлади. 1927 йилнинг майига келиб Ўрта Осиёда юз минг нафардан ортиқ аёл паранжини ташлади. Биргина Ўзбекистонда бундай хотин-қизлар сафи 87 минг кишидан ҳам кўпроқни ташкил этди. Шуниси қувончлики, уларнинг аксарият кўпчилиги озод меҳнат қўйнига жалб қилинди. Масалан, 1927 йилда Ўзбекистон саноатида ишловчи хотин-қизлар сони барча ишчиларнинг 17,6 процентини ташкил этди. Кўпчилик аёллар енгил ва озиқ-овқат саноати тармоқларида ишлай бошладилар. Пиллакашлик саноатида эса ишчи хотин-қизлар меҳнаткашларнинг кўпчилигини ташкил этди. Бу тармоқдаги ишчиларнинг 67 проценти аёллар эди. Тамаки саноатида эса бу кўрсаткич 62 процентга, енгил саноатда 44 процентга етди.

Хотин-қизлар қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига ҳам тобора кўпроқ жалб қилинадиган бўлиб қолдилар. Уларнинг кўпчилиги ўз хоҳишлари билан деҳқонлар сафига қўшилишди. Шу туфайли ҳам коллектив хўжаликларга аъзо бўлган хотин-қизларнинг сони 1927 йилдаёқ 15 минг нафардан ошиб кетди. Уларни социалистик ишлаб чиқаришга жалб қилиш иши йилдан-йилга кенгайиб чуқурлашиб борди. Бу республикада олиб борилган социалистик қурилиш муваффақиятларини таъминлашда катта роль ўйнади.

КПССнинг хотин-қизларни озод этиш ва уларни меҳнат қучоғига жалб қилиш соҳасидаги тажрибаси халқаро аҳамиятга ҳам эга. Ҳозирги вақтда озодлик йўлига чиқиб олган кўпгина мамлакатлар, ривожланишнинг социалистик йўлини афзал кўрган давлатлар ана шу тажрибадан фойдаланмоқдалар. Буни яқин кўшнимиз Афғонистон мисолида ҳам кўриш мумкин. Ҳозирги вақтда бу ерда Ўзбекистон ва бошқа Ўрта Осиё республикаларни тажрибаси асосида хотин-қизларни таққирловчи ўтмиш сарқитларини бартараф этиш, социалистик қурилиш ишларига жалб қилиш юзасидан кенг кўламдаги ишлар олиб борилмоқда.

Д. МУҚИМОВА,
Ўзбекистон ССР Маориф министрлиги коммунистик тарбия бошқармаси инспектори.



● ТОШКЕНТ химия-фармацевтика заводининг 2-филиалида ҳар бир чиқаётган маҳсулот синчиклаб текширилади. Натижада маҳсулот сифатига деярли эътирозлар келмайди. Суратда: (чапдан ўнгга) сифат жонкуярлари — техника назорати бўлими бошлиғи Мавжуда Ҳалилова ва лаборант Асолат Рихсиева.

А. Тўраев фотоси.

МАКТАБ ҚУРИЛИШИ УЧ СМЕНАДА

ЮБИЛЕЙ йилида шаҳримизда қатор типовой янги мактаблар ишга туширилади. Бинокорлар илгари янги мактаб қурилишларини 25 августгача чўзиб бориб айрим ишларни чала-чулпа ташлаб кетишган бўлса, бу йил мактабларни июнь, июль ойларидаёқ тўлиқ пардоздан чиқаришга қатъий сўз беришган. Шунинг учун баъзи мактаб қурилишларида ишлар уч сменада олиб борилмоқда.

Байроқдор 159-қурилиш трестининг 22-қурилиш бошқармаси Юнусободда 1176 ўринли, 8-қурилиш бошқармаси генерал Петров кўчасида 1568 ўринли, 9-қурилиш бошқармаси бунёдкорлари Октябрь районида 1276 ўринли мактаблар қурилишини жадал олиб бормоқдалар. Умуман, 159-трестнинг қурилиш бошқармалари ҳар йили 4—5 та мактабни фойдаланишга топширадилар. 159-трестнинг 61-қурилиш бошқармаси бу йил эксперимент усулида бунёд этилаётган 2500 ўқувчига мўлжалланган мактабни чилонзорлик болаларга тортиқ этмоқчилар. Бу ўқув даргоҳида мактаб ислоҳотини тўлиқ амалга ошириш учун барча имкониятлар бўлади: иккита спорт зали, 600 ўринли мажлислар зали, 500 ўринли ошхона, кенг ва ёруғ ўқув кабинетлари, ўқув ишлаб чиқариш кабинетлари шулар жумласидандир.

Ленин ва Меҳнат Қизил Байроқ орденлари кавалери Ринат Гайнулин бошлиқ монтажчилар ва Абдураҳмон Йўлдошев бошлиқ комплекс бригадалар Улуғ Октябрь 70 йиллиги шарафига мусобақани қизитиб ишлаб, смена нормасини 150—160 процент бажаряптилар. Шахсий беллашувда М. Закиев, О. Исроилхўжаев. Э. Абдуазимов, Е. Шалимовлар олдинда боришмоқда.

С. СУЛТОНОВ.

ХАЛҚАРО АҲВОЛ

Кўргазма қизиқиш уйғотмоқда

ПРАГА. Совет электрон ва приборсозлик саноатининг энг янги ютуқлари «СССРнинг ҳисоблаш техникаси» махсус кўргазмасида намойиш этилмоқда. Бу кўргазма Прагадаги «Аурора» залида очилди. Экспозицияда ҳисоблаш комплекслари, мини ва микроэлектрон ҳисоблаш машиналарининг сўнгги моделлари, электрон калькуляторларнинг 15 тури, микропроцессорлар кўрсатилмоқда. «Искра» шахсий компьютери ва «Электроника» жажжи ҳисоблаш машинаси алоҳида қизиқиш уйғотмоқда. Ҳозирги вақтда ЧССР халқ хўжалигининг турли тармоқларида 750 га яқин совет электрон ҳисоблаш комплексларидан фойдаланилмоқда. (ТАСС).

ВИЗИТ ЯКУНЛАНДИ


ВАРШАВА. ХКП Марказий Комитети Бош секретари вазифасини ижро этувчи, ХХР Давлат Кенгашининг Бош министри Чжао Цзяннинг ПХРга қилган расмий визити якунлари тўғрисида бу ерда матбуотда эълон қилинган баёнотда қуролланиш пойгасини жиловлаш ва ер юзида тинчликни сақлаш кечиктириб бўлмайдиган вазифа, деб таъкидланади. ПХР билан ХХР ядровий қуроллар ва бошқа оммавий қирғин қуролларини тўбдан қисқартириш ва сўнгра батамом тугатишни, қуролланиш пойгаси космик фазога чиқарилишининг олдини олишни ёқлаб чиқдилар. Улар айрим регионларда тинчлик зоналари ва ядросиз зоналарни барпо этиш ғоясини маъқулладилар. Томонлар ПХР ва ХХРда социалистик қурилиш асосий муаммолари ва тажрибаси тўғрисида бир-бирларига ахборот бердилар ҳамда Польша — Хитой ҳамкорлигини ҳар томонлама ривожлантириш ва мустаҳкамлаш истиқболларини муҳокама қилдилар. (ТАСС).

БЎЛАЖАК КОСМОНАВТ

ЛОНДОН. «Ньюс он санди» газетасининг ахбар беришига кўра, инглиз олими Майкл Фойл Буюк Британиянинг биринчи космонавти бўлса керак. Беш минг даъвогар қатнашган конкурсда у ғолиб чиқди. Бўлажак космонавт Линдон Жонсон номидаги одам бошқарадиган космик кемалар Америка марказида парвозлари тайёргарлигидан ўтади.

Фойл астрофизика фанлари докторидир.

(ТАСС).



● Италия тарихий ва архитектура ёдгорликларига бой мамлакат. Ҳар йили миллионлаб туристлар «қулаётган» деб ном олган машҳур Пиза минорасини томоша қиладилар. Суратда: шаҳар ва мамлакатнинг диққатга сазовор ёдгорлиги—Пиза минораси.

Прессфото—ТАСС фотоси.

ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

ВЕНЕЦИЯ. Бугун Венецияда Сан-Жоржо Мажор оролида еттита етакчи капиталистик мамлакат раҳбарларининг олий даражадаги иқтисодий кенгаши очилади. Мана шу 13-учрашувда АҚШ, Италия, Япония, ГФР, Буюк Британия, Франция ва Канаданинг давлат ҳамда ҳукумат бошлиқлари қатнашадилар. Ҳозирги капиталистик дунёнинг одатдаги иқтисодий ва валюта—молиявий муаммоларидан ташқари, кенгашда халқаро сиёсат масалаларига катта эътибор берилади. Бу масалалар орасида Европадаги ракета-ядро қуролини тугатишга қаратилган сўнгги совет ташаббуслари асосий ўрин олади. Учрашувда кенгаш қатнашчиларининг шу соҳадаги ягона позициясини ишлаб чиқишга уриниб кўрилади, деб кутилмоқда.

«Ёттилар» учрашуви арафасида АҚШ президенти Рональд Рейган берган баёнотларида ва сўзлаган нутқларида Қўшма Штатлар Совет Иттифоқи билан бир битимга эришишга интилади, деб ваъда қилди. Шу билан бирга мазкур сўзлардан кейин Ғарбнинг ҳарбий қудратини янада оширишга қаратилган даъватлар янгради.

ПАРИЖ. Француз коммунистларининг «Юманите» газетаси Тинч океанинг Муруоа оролида Франция навбатдаги ядро синовини ўтказганлигини кескин қоралади. Ўтган шанба куни ўтказилган ва йил бошидан бери учинчи бўлган бу портлатиш расмий Париж ниҳоятда жиддий оқибатларга олиб келадиган қуролланиш пойгасининг хавфли йўлидан бориш ниятида эканлигини очиқ-ойдин кўрсатиб турибди, деб таъкидлади газета. Ядро синовларининг давом эттирилаётганлиги мамлакат ҳукуматидан қуролсизланиш жараёнини кенгайтириш, инсоният тинч келажагини таъминлаш учун шошилинч чоралар кўришни талаб этаётган Франция тинчлик тарафдорларининг қаҳр-ғазабини қўзғатмоқда, деб таъкидлайди «Юманите» газетаси.

(ТАСС).

ЙЎЛИДАН

лаб чиқариш кўрсаткичлари пасаймоқда. Бригадалар бирлашса техника ҳам, озуқа ҳам тенг тақсимланади. Иш планли бўлади.

Унинг фикрини Меҳнат Қизил Байроқ орденли сут соғувчи Гуласал Эралиева ва бошқа ишчилар ҳам қўллаб-қувватлашди. Шундан сўнг чорвадорнинг таклифи амалга оширилди. Кўп ўтмай бу фермада кўрсаткичлар анча кўтарилди.

Хўжаликда қўйчилик бўйича ҳам иккита бригада бор эди. Чорвадорларнинг таклифи билан бу бригадалар ихтисослаштирилиб, бирида семиртириб гўштга топшириладиган қўйлар, иккинчисида эса совлиқлар боқиладиган бўлди.

Ишчиларнинг таклиф ва мулоҳазаларига эътибор совхозда демократияни ривожлантиришга, омманинг активлигини оширишга ёрдам бераяпти. 1987 йилдан қўйчилик бригадалари оилавий пудратга ўтказилди. Планни ошириб бажарган қўйчивонларга қўшимча маҳсулотнинг 70 процентини берилади. Моддий рағбатлантиришнинг тўғри ташкил этилишидан ишчилар ҳам, совхоз ҳам манфаат кўраяпти. Шу сабаб ортиқча харажатлар анча камайди. Бу усул сабзавотчиликка ҳам кенг ёйилди.

Ўтган йилиёқ 24 та далачилик бригадасининг 19 таси пудрат усулига ўтказилди. Янги усул асосида ишлаган картошкачилик бригадаларида план 134 процентга бажарилди. Усмон Мирзалиевлар оиласи тўрт гектар ерга картошка экиб, пландаги 42 ўрнига 74 тоннадан ошириб ҳосил олди. Бу йил далачиликда ҳамма пудрат усулига ўтказилди.

Паррандачиликда ҳам учта оилавий пудрат звеноси тузилди. Агар 1985 йилда тухум етиштириш плани 50 процентда қолиб кетган бўлса, ўтган йили топшириқ 80 процентга яқинлашди. Бу йил эса ойма-ой планлар мунтазам ошириб бажарилмоқда.

КОММУНИСТЛАР ОЛДИНГИ САФДА

Совхозда 142 нафар коммунист меҳнат қиляпти. Бу йил уларнинг сафи яна тўрт кишига кўпайди ва мустаҳкамланди. КПСС сафига қабул масаласи барчанинг иштирокида кўриб чиқиляпти. Унда КПСС сафига қабул қилинувчи билан бирга ишлаётган партиясизларнинг ҳам фикр-мулоҳазалари ҳисобга олинмоқда.

Партия сафига кираётган ёшларга рекомендация берувчининг масъулиятини таъминлаш йўлида бир қатор тажрибалар тўпланган. Масалан, Н. Бойназаров ишчи М. Абдурасуловга рекомендация берганда унинг яхши ҳислатларини айтиш билан бирга камчиликларини ҳам кўрсатди. Рекомендацияда М. Абдурасуловнинг характерида мустақилликнинг етишмаслиги, пассивлиги, йиғилишларда фикр-мулоҳазаларини тортиниб, айтмаслиги очиқ-ойдин кўрсатилди. Мураббий кейинчалик шогирдидаги ана шу нуқсонларни бартараф этишга ёрдам берди. М. Абдурасулов ўтган йили картошкачилик бригадасига бошлиқ этиб тайинланди. У раҳбарлик қилган коллектив йиллик планни 140 процентга бажарди.

Ем-хашак бригадаси бошлиғи С. Боймонов ишчи Қ. Иброҳимовга рекомендация берди ва унинг ташкилотчилик қобилиятини сезиб, камол топишига ёрдамлашди. Кўп ўтмай Қ. Иброҳимов бригадирликка тайинланди. Устозининг маслаҳатларига қулоқ солиб, ҳозир Тошкент қишлоқ хўжалик институтига ўқишга кириш учун тайёргарлик кўрмоқда.

Совхоз партия комитети коммунистлар ҳисоботини тинглашга алоҳида эътибор бермоқда. 1987 йилда партия йиғилишларида ўн нафарга яқин коммунистнинг ҳисоботи тингланди. Кейинги вақтларда дағал хашак тайёрлаш колоннаси бошлиғи Н. Норматов, пиллачилик бригадири Б. Боиров, бош агроном М. Ҳасанов ҳисоб бердилар.

Кадрларни танлаш, жойжойига қўйиш ва тарбиялаш, кадрлар резервини яратиш ҳам партия комитетининг диққат марказида бўлаяпти. Ўрта бўғин кадрларининг ҳаммаси резервдан олинмоқда. 1986 йил бошида ёш коммунист Э. Эралиев қолоқ сабзавотчилик бригадасига бошлиқ этиб тайинланди. Партия комитети олдиндан уни маълум муддат синаган, одамлар билан ишлашда кўникма ҳосил қилган эди. Шу боисдан ҳам у ортиқча қийналмади. Тезда ишлар юришиб кетди. Бригада совхозда биринчи бўлиб пудрат усулига ўтди.

Паррандачилик бригадасида ҳам кўпдан бери иш оқсаб келаётган эди. Партком аъзолари одамлар билан суҳбатлашишди, кўпчиликнинг фикрини ўрганишди, сўнг оддий ишчи коммунист М. Йўлдошев бригада бошлиқлигига тавсия этилди. У ишончни оқлади. 1987 йилнинг ўтган вақти ичида 340 мингдан кўп тухум етиштирилди. Бу эса планга нисбатан 109 минг дона кўп демакдир.

Совхоз партия комитети кадрлар резервини яратиш мақсадида ҳозир ҳар бир коммунистни аттестациядан ўтказаяпти. Директор, бош мутахассислар, бўлим ва бригадалар бошлиқлари лавозимларига коллективнинг фикри ўрганилган ҳолда икки-уч кишидан иборат резерв кадрлар рўйхати тузилди. Ҳозир улар сайланяпти.

Хўжалик ва партиявий ишларни қайта қуриш йўлида кўрилаётган тадбирлар социал-иқтисодий масалаларни тезроқ ҳал этиш, қолоқликни тугатиш, руҳий-маънавий иқлимни соғломлаштиришга кўмаклашмоқда. Бошланган ҳайрли иш давом этаяпти. Коллектив ўзгариш ва юксалиш йўлидан бормоқда.

Б. ПЎЛАТОВ.
«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.
Оҳангарон райони.



ТЕАТР ЯНГИЛИКЛАРИДАН

«ЖАНЖАЛ»

Кўни кеча пойтахтимиздаги республика сатира театрининг ижодий коллективи томошабинларга Ўзбекистон ССР халқ шоири Шукруллонинг «Жанжал» сатирик комедияси премьерасини тақдим қилди. Шу муносабат билан театрнинг бош режиссёри, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби Носир ОТАБОЕВ махсус мухбиримизга қуйидагиларни сўзлаб берди:

— БИЗ дастлаб болалар учун турли мавзуларда саҳна асарлари намойиш қилдик. Сўнгра А. Қаҳҳорнинг «Тобутдан товуш» сатирик комедиясини мухлисларимиз катта қизиқиш билан қарши олишди. Кўп ўтмай «Гап эгасини топади» театрлаштирилган сатирик томоша кўпчиликнинг ҳукмига ҳавола этилди. Шукруллонинг комедиясида эса жамиятимизга ёт бўлган бир гуруҳ нопок кимсаларнинг қинғир ишларини очиб ташлаш, уларнинг қилмишларини кулгу воситасида фош қилишни мақсад қилиб қўйдик. Албатта, бу мақсадга эришиш осон бўлмади. Ҳозир иш олиб бораётган жойимиз жуда тор, ижодий коллективимиз муайян тажрибага эга бўлмаса-да, бутун куч-ғайратимиз ва маҳоратимизни ишга солишга, ҳар бир саҳна асарини томошабинларга манзур бўлишига ҳаракат қиляпмиз.

Мазкур сатирик комедия ёш режиссёр Н. Қосимов томонидан саҳналаштирилди. Спектаклдаги етакчи ролларни Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар Л. Саъдуллаев (Шоғулом), Ш. Азизова (Тожихон), актёрлар Т. Содиқов (Мирзоғани), Б. Муродов (Исабек), Ш. Юнусов (Сандкарим), Ш. Рўзиохунов (Қўчқор), Б. Муҳаммадкаримов (Жаҳонгир)лар ижро этишмоқда. Шуниси қувончлики, спектакль премьерасини мухлисларимиз илиқ қарши олишди.

Келгуси режаларимиз ҳақида тўхталсам, шу кунларда драматург А. Козловскийнинг «Ғаройиб кашфиёт». Ф. Мусажоновнинг «Савил қолди» сатирик комедиялари устида иш олиб боряпмиз. Бундан ташқари, биз дала меҳнаткашларига маданий хизмат кўрсатишга ҳам алоҳида эътибор беряпмиз. Шу мақсадда яқинда коллективимиз Жиззах ва Самарқанд областларининг шаҳар ва қишлоқларига ижодий сафар қилишади. Ишлаб чиқариш корхоналари, колхоз ва совхозларнинг дала шийпонларида хизмат кўрсатишади.

Суҳбатни М. ШАРИПОВА ёзиб олди.

СУРАТЛАРДА: «Жанжал» сатирик комедиясидан кўринишлар.

Н. Шарипов фотолари.

ХИЗМАТ ЖОЙИ-АФҒОНИСТОН

СОЛДАТ МАКТУБЛАРИ

Яқинда ангренлик Ёқуб Бойматовдан иккита хат олдим. Тошкент темир йўл транспорти инженерлари институтидан ҳарбий хизматга чақирилган бу йигит ҳозир Афғонистондаги чекланган Совет қўшинлари контингентида хизмат қилиб, ўз интернационал бурчини ўтамоқда.

Мактубларни бўямай, ўзимдан қўшиб-чатмай, шундайлигича эътиборингизга ҳавола қиларканман, Ангрендаги унинг ота-оналари, дўст-биродарлари ҳам уларни ўқиб, мен каби қувонишларини истардим. Қолаверса, юртимиз ўғлонининг Афғонистондан йўллаган хатлари бошқа газетхонларни ҳам бефарқ қолдирмайди деб ўйлайман.

— ● —

«Афғонистондан салом. Сизга катта эҳтиром билан собиқ студентингиз хат йўлламоқда. Саломатликларингиз қандай? Институтда нима гаплар? Ниҳоят, хизматнинг кейинги палласига қадам қўйдим. Пиёдалар жанговар машинаси (БМП) механик-ҳайдовчиси сифатида Афғонистонда хизмат қилмоқдаман.

Биринчи бор бу юртга келганимда худди XVIII аср муҳитига тушиб қолгандек бўлдим. Гувала уйлар, тор, пахса кўчалар, эски дўконлар, аравалар, паранжи ёпинган аёлларни кўраркансан, болалихда Тошкентда кўрган киноларни эслардим. Далани ҳўкиз қўшилган омоч билан ҳайдашмоқда. Ондасонда тракторларни кўриб қоламан. Бизнинг мамлакат тракторларини кўриш қандай ёқимли! Агар мамлакатимиз ёрдам бермаганда афғон халқининг ҳоли не кечарди? Ана шу афғон тупроғида ўтган ярим йил ичида кўп нарса кўрдим, ҳис қилдим. Энди мен ҳаёт ва тинчлик қадрига ета оламан.

Бир марта машинамиз душман минасига учради. Бахтимизга зарар кўрмадик. Биз кўпинча душман тўдаларини тугатиш учун жанговар сафарга чиқамиз. Бу аксилинқилобчилар афғон халқига қанча офат ва азоб-уқубат келтирганини кўрсангиз эди...

Бу ерда об-ҳаво иссиқ. тез-тез ёмғир қуйиб туради. Клубимизда ҳафтасига уч марта бадиий фильмлар кўрсатилади. Газета-журналларни ўз вақтида олиб турамиз. Улардан биз мамлакатимизда қайта қуриш қандай бораётганлигидан хабардор бўлиб турибмиз. Кўп нарсалар янгича бўлаётган экан».

* * *

«Салом Ҳамдам Жўраевич! Хатингизни олдим. Мени студентларга анча мақтаб юборибсиз. Бундай мақтовга лойиқ эмасман. Чунки барча қатори хизмат қиляпман. Албатта, бу ерда хизмат қилиш осон эмас, аммо худди шу жойда хизмат қилаётганимдан фахрланаман.

Мен бир афғон сарбози ҳақида ёзмоқчиман. У билан бирга душманларга қарши жангларда қатнашдим. Бу сарбознинг ёши ўн тўққизда. Унинг уч акаси душманлар билан олишувда ҳалок бўлган. У олти йилдан бери шу акалари қатори армияда хизматда. Бундан уч йил муқаддам у бизнинг мамлакатда — «Артек»да дам олган экан. Мен ундан:

— Армияда яна қанча бўласан?— деб сўрасам, у шундай жавоб берди:

— Афғонистон тупроғидан душманлар йўқотилмагунча армияда қолавераман.

Мен бундай сарбозларни кўп кўраяпман. Яқинда мени ротанинг катта механик-ҳайдовчиси вазифасига тайинлаб, янги машина беришди.

Укам ҳам ҳозир армия сафида хизмат қилмоқда. Кейинги укам эса кўзда бизнинг сафимизга қўшилажаги ҳақида ёзибди. Энди уч акаука Ватан ҳимоячиси бўларканмиз.

Фикримча, ҳар бир йигит армия хизматини ўташи керак, шундагина у ҳаётни биладиган чинакам эркак бўлади.

Мендан барча ўқитувчиларга ва студентларга салом айтинг».

Ангренлик Ёқубжон Бойматов хатларини ўнлаб студентларга ўқиб бердим. Уларнинг ёниқ кўзлари тенгдошлари билан фахрланаётганларидан далолат берарди. Ҳа, Ёқубжондек йигитларимиз билан ҳар қанча фахрлансак арзийди...

Ҳ. СОДИҚОВ,
Тошкент темир йўл транспорти инженерлари институти КПСС тарихи ўқитувчиси.

ҲИСОБОТ КОНЦЕРТИ

Чиноз районидаги П. И. Чайковский номли 35-мусиқа мактабида ўқув ишларини яхши йўлга қўйиш, ҳар бир синфни чолғу асбоблари билан етарлича таъминлаш ҳамда ўқувчиларнинг мусиқа қобилиятини муттасил ривожлантириб боришга катта эътибор берилмоқда. Яқинда бу ерда ўтказилган «Ғунча» болалар ансамблининг ҳисобот концертида ўқувчилардан Х. Норимов, Н. Норбекова, Г. Азимова, М. Муҳамедовалар тинчлик ва бахтни, болалик ва ёшликни улуғловчи дилрабо куй ва қўшиқлар билан қатнашдилар.

Тингловчилар, айниқса, Х. Норимов маҳоратини юқори баҳоладилар. Унинг ижросидаги «Тинчлик қўшиғи», «Бахт тилайлик» қўшиқлари ва раққоса қизларнинг нафис рақслари кўпчиликка манзур бўлди.

А. ОРИПОВ.

САНДРУЖИНАЧИЛАР МАҲОРАТИ

Олмалиқдаги граждан мудофааси майдончасида область санитарлар дружиналари қизларининг мусобақаси бўлиб ўтди. Унда 19 та команда қатнашди. Мусобақа иштирокчилари жароҳатланганларга ўз вақтида биринчи медицина ёрдами кўрсатиш, уларни эвакуация қилиш усуллари бўйича ўз билим ва маҳоратларини намойиш этдилар.

Чирчиқ шаҳрининг «Электрохимпром» ишлаб чиқариш бирлашмаси сандружиначи қизлари биринчи ўринни қўлга киритиб, кўчма кубок, фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари билан тақдирландилар. Иккинчи ўринни Ангрен шаҳрининг резинотехника заводи командаси, учинчи ўринни эса Олмалиқнинг маиший химия заводи вакиллари олдилар.

Қишлоқ районлари орасида Оржоникидзе районининг ТашГРЭС сандружиначилари муваффақиятли қатнашдилар.

Ҳ. АГЛАЕВ,
Чирчиқ шаҳар граждан мудофааси курси бошлиғи.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КИНОФИЛЬМЛАР ПРОКАТИ КОНТОРАСИ

ИЮНЬ ОЙИДА

«ҲУШЁРЛИК — ҲАЁТ ҚОНУНИ!» шиори остида

Тематик фильмлар кўригини ўтказади

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

БЕКОБОД ШАҲРИ, «ЎЗБЕКИСТОН» КИНОТЕАТРИДА

11-12 июнда — ҚУРҚМА, БЕРМАЙМАН.

АНГРЕН ШАҲРИ, «ДРУЖБА» КИНОТЕАТРИДА

11-12 июнда — УЛАН.

ОЛМАЛИҚ ШАҲРИ, «КОСМОС» КИНОТЕАТРИДА

10 июнда — ЖАСУРЛИК УЧУН ЮЗ ГРАММ.
11-12 июнда — КУППА-КУНДУЗ КУНИ.

ЯНГИОБОД ШАҲРИ «РАДУГА» КИНОТЕАТРИДА

10 июнда — УЛАН.
11-12 июнда — ОРТИҚЧАЛИК.

ЧИРЧИҚ ШАҲРИ, НАВОИЙ НОМЛИ КИНОТЕАТРИДА

10 июнда — БАХТСИЗЛИК.
11-12 июнда — ЛУКАШ.

ЧИНОЗ ШАҲРИ, «ВАТАН» КИНОТЕАТРИДА

10 июнда — ЮЗМА-ЮЗ.
11-12 июнда — ВИТЯ ГЛУШАКОВ — АПАЧИЛАР ДУСТИ.

ТУЙТЕПА ШАҲРИ

10 июнда — ОЛДИН ЎЗИНГГА БОҚ, СЎНГ НОҒОРА ҚОҚ.
11-12 июнда — СЕВГИ ВА КАБУТАРЛАР.

ЯНГИБОЗОР ПОСЕЛКАСИ, «ОКТЯБРЬ 50 ЙИЛЛИГИ» КИНОТЕАТРИДА

10 июнда — СЕВГИ ВА КАБУТАРЛАР.
11-12 июнда — КУППА-КУНДУЗ КУНИ.

ЯНГИЙЎЛ ШАҲРИ, «ПОБЕДА» КИНОТЕАТРИДА

10 июнда — АМНИСТИЯ (АВФ).
11-12 июнда — ВАСИЛИЙ ВА ВАСИЛИСА.

ҒАЗАЛКЕНТ ШАҲРИ, «БЎСТОН» КИНОТЕАТРИДА

10 июнда — ОППОҚ ШУДРИНГЛАР.
11-12 июнда — ВИТЯ ГЛУШАКОВ — АПАЧИЛАР ДУСТИ.

ХРОНИКАЛЬ-ҲУЖЖАТЛИ ВА ИЛМИЙ-ОММАБОП ФИЛЬМЛАР

ТУЙТЕПА ШАҲРИ

«ВЛКСМ 40 ЙИЛЛИГИ» КИНОТЕАТРИДА
11-16 июнда — КИМНИНГ НИМА ИШИ БОР? — ЖАҲАННАМ ЁҚАСИДА.

АНГРЕН ШАҲРИ, «ДРУЖБА» КИНОТЕАТРИДА

10-11 июнда — БОЛАЛИК ЎГРИЛАРИ.
12-14 июнда — РУЛДА МУТЛАҚО ҲУШЁРЛИК.

ЧИНОЗ ШАҲРИ, «ВАТАН» КИНОТЕАТРИДА

10-11 июнда — ИНҚИРОЗ ҲАРОРАТИ.
12-14 июнда — ИЖОД ВА АЛКОГОЛЬ.

БЕКОБОД ШАҲРИ, «ЎЗБЕКИСТОН» КИНОТЕАТРИДА

10-11 июнда — ГЎЗАЛЛАРНИНГ ГЎЗАЛИ.
12-14 июнда — «ЗДОРОВЬЕ»НИНГ 67-СОНИ.

ЯНГИОБОД ШАҲРИ, «РАДУГА» КИНОТЕАТРИДА

10 июнда — ИЧКИЛИКБОЗЛИК ВА ҚОН-ТОМИР КАСАЛЛИКЛАРИ.
11-14 июнда — ЗАҲАРЛАНИШ.

ЯНГИБОЗОР ПОСЕЛКАСИ, «ОКТЯБРЬ 50 ЙИЛЛИГИ» КИНОТЕАТРИДА

10 июнда — ҲАР БИР КИШИ ЖАВОБГАР.
11-13 июнда — УСМИР. ОИЛА. МАКТАБ.

ҒАЗАЛКЕНТ ШАҲРИ, «БЎСТОН» КИНОТЕАТРИДА

10-11 июнда — ЎЗИНГНИ КЕЛГА ОЛА БИЛ.
12-14 июнда — АЗОБИНИ БОЛАЛАР ТОРТИШАДИ.

НАРИМАНОВ ШАҲРИ, «БОКУ» КИНОТЕАТРИДА

10-11 июнда — БИРИНЧИ ОҒРИҚ.
12-14 июнда — ИНСОННИ ҚУТҚАРИНГ.

ОҲАНГАРОН ШАҲРИ, «ВОСХОД» КИНОТЕАТРИДА

10-11 июнда — ҚАЙТИШ.
12-14 июнда — ТАНЛАШ.

ОЛМАЛИҚ ШАҲРИ, «ОЛМАЛИҚ» КИНОТЕАТРИДА


10-11 июнда — БИЗНИНГ УСЛУБ.
12-14 июнда — ЭНГ АЧЧИҚ БОШ ОҒРИҒИ,

КЕЛЕС ШАҲРИ, «СПУТНИК» КИНОТЕАТРИДА

10-11 июнда — БИР ЗИЁФАТНИНГ ҚИЙМАТИ.
12-14 июнда — ФАҚАТ ҚУЙИГА ЭЛТУВЧИ ЙЎЛ.

ПАРКЕНТ ШАҲРИ, «БАҲОР» КИНОТЕАТРИДА

10-11 июнда — ТАРАФЛИК.
12-14 июнда — ЖИНОЯТ.



Чимён ёнбағирларида. В. Таран фотоси.

• СПОРТ •• СПОРТ •

РАҚИБЛАР МАЪЛУМ

СССР футбол федерацияси спорт техника комиссияси СССР кубоги мусобақаларининг 1/32 финал ўйинларида қатнашадиган рақибларни қуръа ташлаш йўли билан аниқлади. Маълумки, биринчи босқич ўйинларида республикамиздан уч команда — Тошкентнинг «Пахтакор», Фарғонанинг «Нефтяник» ва Андижоннинг «Пахтакор» футболчилари ғалабага эришиб, навбатдаги босқичга йўлланма олишган эди.

25 июнь куни ўтказиладиган мусобақаларда тошкентлик футболчилар Жамбулнинг «Химик» коллективини қабул қилишади. Фарғонанинг «Нефтяник» командаси эса Душанбенинг «Помир» футболчиларини, андижонликлар Тюменнинг «Геолог» командаси билан ўйнайдилар.

Бугун биринчи лига қатнашчилари навбатдаги 15-тур ўйинларини ўтказишади. «Пахтакор» ўз майдонида Риганинг «Даугава» коллективини қабул қилади.

МОСКВАДА ЎЗБЕКИСТОН РЕКОРДИ

Икки кун давомида Москвада ака-ука Знаменскийлар хотира-совринни учун енгил атлетикачиларнинг халқаро турнири бўлиб ўтди. СССР, Болгария, Венгрия, ГДР, Куба, Бразилия ва бошқа мамлакатларнинг моҳир спортчилари иштирок этган бу анъанавий турнирда бир қатор рекордлар ўрнатилди. Жумладан лангар билан сакрашда тошкентлик Радион Гатаулин 5 метр 70 сантиметрлик баландликдан сакраб, ўтиб, 5 метр 80 сантиметрни ҳам мўлжаллаб кўрди. Лекин камдан-кам учрайдиган ҳодиса рўй берди. Спортчи баландликка кўтарилаётганда лангар синиб кетди. Лекин Родион Гатаулин бироздан сўнг яна даврага чиқиб курашни давом эттирганда ишқибозлар уни қарсаклар билан қарши олишди. Программанинг бу турида тошкентлик спортчига тенг рақиб топилмади. Мусобақаларда республикамиздан 15 енгил атлетикачи қатнашди. Сергей Усов 110 метрга тўсиқлар оша югуришда 13,39 секунд натижа кўрсатиб, иккинчи фахрли ўринни эгаллади ва Ўзбекистон рекордини ўрнатди. Ангренлик Роза Шайхутдинова 10 километрга спортча юришда СССР спорт мастери нормативини бажарди. Александр Харлов, Сергей Бережновлар ҳам 400 метрга оддий ва тўсиқлардан ошиб ўтиш мусобақаларида кучли саккизликдан ўрин олдилар.

МЕҲНАТ СЕМЕСТРИ ОЛДИДАН

ТАЙЁРГАРЛИК

ҲАДЕМАЙ студент ва ўқувчилар ёзги таътилга чиқишади. Минглаб йигит ва қизлар студент қурилиш отрядлари сафида Иттифоқимизнинг ўнлаб область ва ўлкаларида бунёдкорларга яқиндан кўмаклашадилар. Шу кунларда барча олий ўқув юртлари, техникум, ўрта махсус билим юртларида отрядлар ташкил этилмоқда. Яқинда область штаби ташаббуси билан студент-қурилиш отрядлари командир ва комиссарларининг анъанавий икки кунлик семинари бўлиб ўтди. Семинарда область комсомол комитетининг секретари М. Мирхўжаев «КПСС XXVII съезди ҳамда ВЛКСМ XX съезди қарорларини амалга оширишда студент-қурилиш отрядларининг учинчи меҳнат семестридаги вазифалари тўғрисида» доклад қилди. Шунингдек, семинарда область ГАИси бўлим бошлиғи О. Умаров, область санитария-эпидемиология станцияси ходими З. Ҳидоятов, область студент-қурилиш отрядлари штаби командири Ф. Каримовлар отрядлар олдида турган вазифалар, техника, йўллар, санитария қоидаларига риоя этиш бўйича лекциялар ўқишди ва семинар қатнашчиларини қизиқтирган саволларга жавоблар қайтаришди.

Г. МАМБЕТОВА.

БУГУН НАВБАТДАГИ ҚАБУЛ

«Тошкент ҳақиқати» газета редакцияси ҳузуридаги жамоатчи Совет навбатдаги қабулни бугун 10 июнь соат 17.00 дан бошлаб ўтказади. Бу сафар меҳнаткашларни жамоатчилик Советининг аъзоси, юрист Абдужалил Ҳасанов қабул қилади ва уларни қизиқтирган саволларга жавоблар қайтаради.

Жамоатчи Совет қабулхонаси Ленинград кўчаси, 32-уй, 7-қават, 742-хонага жойлашган. Телефонлар: 33-40-48; 32-53-54.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» ЖАМОАТЧИ СОВЕТ ҚАБУЛХОНАСИ.

Редактор
Н. НАСИМОВ.

ТВ

10 ИЮНЬ—ЧОРШАНБА

МТ I

8.00 Эрталабки зарядка. Мультфильм. Мусиқа. 8.30 ВРЕМЯ. 9.15 «Илоннинг тожи». Телевизион бадиий фильм премьераси. 1- ва 2-сериялар. 11.35 Янгиликлар.

16.30 Янгиликлар. 16.45 ҚАЙТА ҚУРИШ: ТАЖРИБА ВА МУАММОЛАР. «ОЛДИНДА НИМА БОР?» Телевизион ҳужжатли фильм премьераси (Свердловск). 17.35 «Спорт ва шахс». Н. Королев. 18.05 ИНСОН ВА ҚОНУН. СССР Юстиция министрининг ўринбосари М. П. Вишинский билан учрашув. 18.35 Баскетбол. Европа чемпионати. Эркаклар. Грециядан кўрсатилади. 19.15 ДУНЁ ВОҚЕАЛАРИ. 19.30 ДУНЁ ВА ЁШЛАР. 20.05 «Бир кабинетда туриб икки хил қараш». Телеспектакль ва жамоатчилик фикри. 21.30 ВРЕМЯ. 22.05 «ИЛОННИНГ ТОЖИ». Телевизион бадиий фильм премьераси. 2-серия. 23.15 ДУНЁ ВОҚЕАЛАРИ. 23.20 РСФСР халқ артисти Н. Некрасов раҳбарлигидаги МТ ва БР рус халқ чолғу академик оркестрининг концерти. Солист — СССР халқ артисти А. Эйзен.

МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика. 9.20 «КАТТА ДАРЁ ҚИРҒОҚЛАРИДА». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси (Новосибирск). 9.40 П. Ершов. «Букри тойчоқ». РСФСР халқ артисти О. Табаков ўқийди». Фильм-концерт («Экран»). 11.10 Ёшлик куйлайди ва рақсга тушади. 11.25 Немис тили. 1-йил шуғулланаётганлар учун. 11.55 «Бу фантастик олам», «Роботлар билан ҳазиллашманг». Телевизион бадиий фильм. 13.15 Мультфильмлар: «Уйча-уйча ўйини», «Менга йўл беринг», «Пети ва механик ўйинчоқ». 13.50 «Горничилар, қаердасиз!». 14.35 «Шахмат мактаби». Разрядлар синфи. 15.05 ҚИШЛОҚ ЯНГИЛИКЛАРИ. 16.05 Янгиликлар.

* * *

18.30 Янгиликлар. 18.45 А. Аренский. «Силуэтлар». 19.00 «Момақаймоқ». Мультфильм. 19.20 «Севги ҳақида монолог». УССР халқ артисти С. Ротару иштирокида концерт (Киев). 20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар!» 20.45 Урал усталари томонидан бунёд этилган рус маданияти ва техникаси тарихий ёдгорликлари ҳақида телевизион ҳужжатли фильм. (Свердловск). 21.00 МУЗИКАЛИ КИОСК. 21.30 ВРЕМЯ. 22.05 «Советское кино». Киножурнал. 22.30 Футбол. СССР чемпионати. «Торпедо» — «Жальгирис». 2-тайм. 23.15 «ТОЛЬЯТТИ ШАҲРИ». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси. (Куйбишев шаҳри). 23.45 Янгиликлар.

ЎзТВ

7.05 Ритмик гимнастика. 7.30 «Салом, кичкинтойлар!». 7.40 «Тикувчилар». Ҳужжатли фильм. («Ўзбектелефильм»). 8.00 АХБОРОТ. 8.20 «Бахт тароналари». 8.30 Болалар учун фильм. «Гулька».

17.30 Янгиликлар. 17.40 «Абитуриент—87». Химия. 18.10 Кўрсатувлар программаси. 18.15 Мультфильмлар. 18.40 «Халқ судьяси». Тошкент область Бўка район халқ судининг раиси Я. Ҳайдаров ҳақида телеочерк. 18.55 «Ҳалима Носирова». Фильм-концерт. 19.25 «Элга хизмат: талаб ва таклиф». 20.00 АХБОРОТ (рус., ўзб). 20.30 Футбол бўйича СССР чемпионати. «Пахтакор» — «Даугава» (Рига). 2-тайм. «Пахтакор». марказий стадионидан олиб кўрсатилади. 21.15 Телефильм. 21.30 Москва. ВРЕМЯ. 22.05 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Комсомол ва қайта қуриш». Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети ходимларининг комсомол активи билан учрашуви (рус.). 23.05 «Бугун оламда нима гап?». Халқаро аҳвол кундалиги. 23.20 «Қардошларимиз санъати». СССР халқ артисти Жўрабек Муродов.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

19.35 «Пионер телетайпи» (такрорий). 19.45 «Сифат — бош мезон». (рус.). 20.15 Ритмик гимнастика. 20.40 «Очиқчасига гаплашамиз». Телефильм. 21.00 «Шаҳар юмушлари ва муаммолари». Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш системасида қайта қуриш (рус.). 21.30 Москва. ВРЕМЯ.

ФРУНЗЕ КЎРСАТАДИ:

22.05 «Шаҳар». Ҳужжатли фильм. (рус.). 23.10 Об-ҳаво. Кўрсатувлар программаси.

ЭЛЕКТРОНИКА"

ХАРИДОРЛАР ДИҚҚАТИГА!

ТОШКЕНТ «ЭЛЕКТРОНИКА» ФИРМАЛИ МАГАЗИН-САЛОНИ

Қуйидаги электрон қўл соатларини сотувга чиқаради:

«ЭЛЕКТРОНИКА-204 А» вақт белгиларини зудлик билан кўрсатади, ёритгич ва автомат календарга эга (баҳоси 28 сўм).

СЦ-21 элементлари билан 12 ой ишлайди.

«ЭЛЕКТРОНИКА-206 А» (баҳоси—40 сўм) ва «ЭЛЕКТРОНИКА-206 Б» (баҳоси 50 сўм)— юз йилга мўлжалланган автомат календарга, 12 ёки 24 соатлик вақт ҳисобига эга.

«Электроника 206 А» бир комплект элемент билан 12 ой, «Электроника — 206 Б» — 3 йил ишлайди.

АДРЕС: 700000, Тошкент шаҳри, Гоголь кўчаси, 38-уй. Телефон 33-89-12.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
(«Ташкентская правда»)
Орган Ташкентского обкома Коммунистической партии Узбекистана и областного Совета народных депутатов

Издается на узбекском языке

Редакция адреси:
700083, ГСП, Тошкент
Ленинград кўчаси, 32

Р. 08795 Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. Индекс: 64684. В. 1589. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12